Байрамингиз муборак бўлсин, мунис онахонлар, азиз опа-сингиллар!

Mustaqillik huquq demakdir

Huquq

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2012-yil 8-mart, №10 (791)

Бош прокуратурада

Дилларда байрам шукуҳи

Она заминимизга беқиёс гўзаллиги ва тароватини кўз-кўз қилганча яна баҳор кириб келди. 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунининг айнан кўклам фаслида нишонланишида ҳам ажиб маъно ва ҳикмат мужассамдек. Тантаналар нафаси ила кўклам насими заминимиз бўйлаб кезмоқда. Бугунги кунда аёлларимизнинг оилалаги, жамиятлаги нуфузи, мавқеи тобора ортиб бормоқда. Жумладан, ана шундай фидойи аёлларимиз прокуратура органлари тизимида ҳам кўп.

Гули ҲОЖИБОЕВА,
«Huquq»

Қутлуғ сана арафасида Республика Бош прокуратурасининг мажлислар зали ҳам байрам тадбирига ташриф буюрган муҳтарама ва азиз хотин-қизлар билан гавжум бўлди. Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган байрам йиғилишида Республика Бош прокурори Рашитжон Қодировнинг табриги ўқиб эшиттирилди.

Байрам тадбирида сўзга чиққанлар мунис оналаримиз, бири-биридан гўзал ва лобар опа-сингилларимиз, жажжи қизалоқларимизни мадҳ этиб, уларга аталган шеърлар ўқидилар, тилаклар билдирдилар. Аёлларнинг қучоқлари анвойи баҳор гулларига тўлди.

Зеро, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, "Оналарнинг, аёлларнинг бахти — оиланинг, халқимизнинг, бутун Ўзбекистонимизнинг бахтидир". Бундай ёндашув устувор бўлган юртда эса аёллар мудом ардоқда бўлади.

Таҳлил

Имтиёз ва имкониятлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан сўнгги йилларда мамлакатимизда солиқ сиёсатини янада либераллаштириш, солиқ юкини камайтириш, солиқларни унификация қилиш ва солиққа тортиш тартибини соддалаштириш, тадбиркорлик субъектларига кўмаклашиш ва уларнинг ҳуқуқий эркинлигини ошириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, ҳар йили корхона-ташкилотлар раҳбарлари ва ҳисобчилари, хусусий тадбиркорлар ва фуқаролардан солиқ маъмурчилигига оид масалалар юзасидан тушаётган талаб ва таклифлар, амалиётда учраётган муаммолар ҳамда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан келиб чиқиб, кейинги йил учун солиқ-бюджет сиёсати концепцияси ишлаб чиқилади.

Ишлаб чиқилган концепция Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатида муҳокама қилиниб, маъқулланади.

Жумладан, жорий йил учун ишлаб чиқилган концепцияга мувофиқ 4 та асосий қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, уларга асосан Ўзбекистон Республикасининг 4 та қонунига, Президентимизнинг 6 та Фармони ва 12 та Қарорига, Вазирлар Маҳкамасининг 10 та қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар иқтисодиётимизнинг озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, мева-сабзавотчилик, соғлиқни сақлаш, молия хизматлари, хизмат кўрсатиш ва оммавий ахборот воситалари каби 10 га яқин соҳа ва тармоқларини қамраб олди.

Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги 1675-сонли Қарори билан солиқ ставкаларига ўзгартиришлар киритилди.

Жумладан:

1. Юридик шахслар зиммасидаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғрисида:

биринчидан, Юртбошимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш, улар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш ва уларга молиявий жиҳатдан кўмаклашиш мақсадида ягона солиқ тўлови ставкаси 2005 йилдаги 13 фоиздан 2011 йилда 6 фоизгача пасайтирилган бўлса, 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб, саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан яна 1 фоиз туширилиб, 5 фоиз миқдорида белгиланди.

/Давоми 9-бетда/

Жараён

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг қайси йўналиши бўлмасин, улар билан боғлиқ қонунлар ижросини назорат қилиш ва бажарилишини таъминлашда прокуратура органлари олдига улкан ва масъулиятли вазифалар қўйилган.

Қонун устуворлиги — юрт фаровонлиги

Бахтиёр ЖАМОЛОВ,
Навоий вилоят прокурори

Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунида прокурорларнинг тегишли халқ депутатлари кенгашлари олдида қонунийлик ва жиноятчилик аҳволи ҳақида ахборот беришлари қайд этилган бўлиб, жорий йилнинг ўтган даврида барча туман ва шаҳар прокурорларининг мазкур масала тўғрисидаги ахборотлари эшитилди.

2011 йилда вилоят прокуратураси органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, криминоген вазиятни барқарорлаштириш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш ва унинг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Фуқароларнинг хавфсизлиги ва тинчлигини таъминлаш борасида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда кенг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликда жиноятчиликка, айниқса унинг уюшган турларига қарши курашга жиддий эътибор қаратилиб, бу борада қамровли режавий тадбирлар асосида муайян ишлар рўёбга чиқарилди. Вилоят прокуратураси ташаббуси билан 6 маротаба ўтказилган вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг мувофиқлаштирувчи кенгашларида жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш ҳамда тергов ва тезкор-қидирув фаолиятига доир 10 та долзарб масала юзасидан ўтказилган таҳлил ва умумлаштиришлар натижалари муҳокама қилиниб, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш хусусида тегишли тадбирлар белгилаб борилди. Бундан ташқари, вилоят ҳокимияти ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда барча туман ва шаҳарлар жамоатчилик вакиллари билан уч босқичдан иборат учрашувлар ўтказилди.

Амалга оширилган ишлар самараси ўлароқ вилоятда криминоген вазиятнинг барқарор сақланишига, аксарият оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноят турларининг бирмунча қисқаришига, тергов кўрсаткичларининг маълум даражада яхшиланишига эришилди. Хусусан, ўтган йилда умумий жиноятлар сони 0,1 фоизга, оғир турдаги жиноятлар 0,5 фоизга ва ўта оғир турдаги жиноятлар 1,3 фоизга, иқтисодиётга оид жиноятлар 1,2, ўғирлик 1,3, талончилик 4,1, оғир тан жароҳати етказиш 2,3, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар 6,9 фоизга камайишига эришилди. Аёллар, вояга етмаганлар, гуруҳлар, ишламайдиганлар ва муқаддам судланганлар томонидан жамоат жойларида, кўчаларда, маст ҳолатда жиноят содир этилиши ҳолатлари қисқарди. Жиноятларни фош этиш кўрсаткичи 94,2 фоизни ташкил этди.

Прокурорлик фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш борасидаги ишлар мамлакатимизда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга ҳамоҳанг тарзда хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳоли бандлиги, соғлиғи ва уларни ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар, Президент Фармонлари, Ҳукумат қарорлари, Бош прокуратура кўрсатма ва топшириқлари асосида олиб борилди.

Ушбу даврда фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида вилоят прокуратура органлари томонидан ўтказилган текширишлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7 тага камайиб, 331 та текшириш давомида 4018 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Жумладан, 67 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилган, фуқаролар манфаатларини кўзлаб судларга 738 млн. сўмдан ортиқ 748 та даъво аризалари, корхона, ташкилотлар, фермер ва тадбиркорлар манфаатини кўзлаб хўжалик судига 873 млн. 858 минг сўмлик 8 та даъво аризаси киритилиб, уларнинг қаноатлантирилиши таъминланган, корхона, ташкилот ва хўжаликларга етказилган 151 млн. сўмлик моддий зарарлар ихтиёрий ундирилган.

Республикамиз Президенти ташаббуси билан 2011 йил "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинди ва бу борада давлат Дастури ишлаб чиқилди.

/Давоми 3-бетда/

Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан ҳамкорлиги

Чирчиқ гарнизони офицерлар уйи мажлислар залида Ўзбекистон Республикасининг БМТга аъзо бўлганлигининг 20 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ҳамкорлигида "Минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан ҳамкорлиги" мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Аъзам НУРИТДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси бўлим ҳарбий прокурори

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти расмий равишда 1945 йилнинг 24 октябридан бошлаб фаолият юритиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси ушбу нуфузли халқаро ташкилотга 1992 йил 2 март куни аъзо бўлган. Ана шу санадан бошлаб, кундан-кунга халқаро нуфузи ортиб бораётган Ўзбекистоннинг байроғи Нью-Йорк шаҳрида жойлашган БМТ бош биносида ҳилпираб турибди.

Ер юзида шундай умумбашарий муаммолар борки, уларни фақат турли қитъада жойлашган ва турли сиёсий табиатга эга бўлган давлатлар ўртасидаги ўзаро узвий ҳамкорликни йўлга қўйиш орқалигина ҳал этиш мумкин. БМТнинг халқаро муносабатлардаги аҳамияти беқиёс бўлганлиги боис, дунё миқёсидаги энг муҳим, глобал жараёнлар унинг иштирокида кечади, ўта мураккаб можаролар эса БМТ Хавфсизлик Кенгаши қарорига мувофиқ бартараф этилади. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, "Бизнинг тасаввуримизда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — барча давлатларнинг, миллатларнинг, бутун жаҳон ҳамжамиятининг энг муҳим муаммоларини муҳокама қилиш ва ечиш учун тузилган ноёб ташкилотдир. БМТ — бу халқларнинг тинч-тотув яшашга бўлган эзгу иродасининг буюк рамзи, инсоният маънавий тараққиётининг ёрқин нишонасидир".

Давра суҳбатини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Республика ҳарбий прокурори Шуҳрат Узаков кириш сўзи билан очиб, тадбир иштирокчиларига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва ялпи хавфсизликни мустаҳкамлаш туфайли тинчликни барқарор этиш мақсадида 50 та мамлакат томонидан халқаро ҳамжамият сифатида ташкил этилганлиги, ҳозирги кунда ушбу ташкилотга аъзо бўлган давлатлар сони 193 тага етганлиги, Ўзбекистон Республикаси 1992 йилнинг 2 март куни БМТга тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилингани, Юртбошимизнинг асарлари ва маърузаларида Ўзбекистоннинг БМТ билан алоқаларининг йўналишлари ва истиқболлари, шунингдек, бу нуфузли ташкилотнинг умумбашарий муаммоларни ҳал этишда тутган ўрни ва аҳамияти тўғрисида тўхталиб ўтди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси, сиёсий фанлар доктори Қ.Жўраевнинг БМТнинг мақсадлари ҳақидаги, қўмита раисининг ўринбосари А.Турсуновнинг "БМТ ва унинг дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашдаги роли", Қўмита аъзоси А.Раҳмоновнинг "Ўзбекистон — БМТ: ҳамкорликнинг асосий босқичлари ва йўналишлари", Мудофаа вазирлиги масъул ходими Ж.Аъзамовнинг "Ўзбекистон Республикасининг минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлашдаги фаолияти" мавзусидаги маърузалари тингланди.

Ўтган йиллар мобайнида БМТ Ўзбекистон учун чин маъноданги халқаро минбарга айланди. Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси йиғилишларида бир неча бор халқаро терроризм, диний экстремизм, гиёҳвандлик моддалари ва қурол-яроғнинг ноқонуний савдоларига қарши биргаликда курашиш борасида ташаббуслар билан чиқди. Президентимиз шу минбар орқали минтақамиздаги бир қатор муаммолар, жумладан, Афғонистондаги нотинч вазият ва унинг дунё барқарорлигига салбий таъсири ҳақидаги фикрлар билан жаҳон оммаси эътиборини қаратди. Ўзбекистоннинг оламшумул аҳамиятли ташаббуслари кўплаб давлат ва ҳукумат раҳбарлари томонидан нақадар асосли эканлиги бир неча бор эътироф этилди.

Тадбирда шунингдек, ҳозирги пайтда БМТ замонавий халқаро жараёнларда самарали фаолият олиб бораётган ташкилот ҳисобланиши, дунёдаги мураккаб можароларни ҳал этишда бирор-бир мамлакат ёхуд давлатлараро уюшма БМТ сингари холис ва самарали фаолият олиб бориш имкониятига эга эмаслиги таъкидланди.

Бир сўз билан айтганда, ўтган йигирма йил мобайнида мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаол аъзоларидан бирига айланди. Давлатимизнинг БМТ доирасида глобал ва минтақавий масалаларда кўтариб чиққан ташаббуслари бир қатор саъй-ҳаракатларнинг бошланишига сабаб бўлибгина қолмай, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини ҳам юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Республика Ҳарбий прокуратураси вакиллари, Фуқаролик жамиятини шакллантиришни мониторинг қилиш мустақил институти ходимлари, Чирчиқ гарнизонидаги Ҳарбий қисм ва муассасаларининг ҳарбий хизматчилари, Чирчиқ олий танк-кўмондонлик муҳандислик билим юрти офицер-ўқитувчи, инструктор ва курсантлари, Чирчиқ шаҳар фаоллари, ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари ўқитувчи ва ўқувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Давра суҳбати якунида қатнашчиларни қизиқтирган саволларга маърузачилар томонидан жавоблар берилди.

Ҳозирги вақтда дунё миқёсида халқаро молиявий тизимни тартибга солишда жиддий ўзгаришлар юз бермоқда. Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш олиб бориш соҳасидаги стандартларни янгилаш бўйича ишлар ушбу глобал жараёнларнинг бир қисми ҳисобланади ва бунда биринчи навбатда, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда молиявий чораларни ишлаб чиқувчи гуруҳнинг (ФАТФ) тавсияларини ўзгартириш муҳим аҳамият касб этади.

Янги стандартлар

Саидаброр ГУЛЯМОВ,
СВОЖЖДЛКК Департаментининг халқаро алоқалар бўлими бошлиғи

ФАТФнинг тавсияларини янгилаш мақсадида 2012 йил 15-17 февраль кунлари Франция пойтахти Париж шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда бошқа мутасадди идоралар масъул ходимларидан ташкил топган Ўзбекистон Республикаси делегацияси ҳам иштирок этди. Ялпи мажлисда, шунингдек, 100 дан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари ҳам қатнашдилар.

Кун тартибига мувофиқ, ФАТФнинг янги таҳрирдаги тавсияларини тасдиқлаш ялпи мажлис давомида кўриб чиқилган асосий масала бўлиб, улар жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро стандартлар ҳисобланади. Хусусан, ФАТФ президенти Жанкарло Дель Буфалонинг (Италия) қайд этишича, глобал хавфсизликни таъминлаш чораларини кучайтириш ва молиявий тизимлар узвийлигини янада мукаммаллаштириш зарурати ФАТФ стандартларини қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлашни шарт қилиб қўйди.

ФАТФ стандартлари катта хавфни келтириб чиқарадиган ҳолатларга нисбатан талабларни кучайтириш мақсадида, шунингдек, мамлакатларнинг янада аниқ мақсадли ва манзилли ёндашувлардан фойдаланишига имконият яратиш учун қайта кўриб чиқилди. Улар янги таҳдидларга қарши кураш олиб бориш, шунингдек, оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштиришга ва коррупцияга қарши курашиш каби муҳим масалаларни ҳал этишга қаратилган.

ФАТФ тавсияларининг янгиланиши мазкур ташкилот фаолият доирасини сезиларли даражада кенгайтиради. Шу муносабат билан ялпи мажлис ФАТФнинг 2012-2020 йилларга мўлжалланган янги ваколатини муҳокама қилди ва маъқуллади. Унда ФАТФнинг мақсад ва вазифалари, аъзолар ва кузатувчиларнинг мажбуриятлари, шунингдек, ФАТФнинг ҳозирги давр учун мўлжалланган тузилиши назарда тутилган. ФАТФ янги ваколати аъзо давлатлар молия вазирлари томонидан тасдиқлангандан сўнг, 2012 йил апрель ойида кучга кириши кутилмоқда.

Шунингдек, ФАТФ Ялпи мажлиси давомида халқаро молиявий тизимга хавф туғдираётган мамлакатлардаги (ФАТФнинг қора рўйхатига кируувчи) вазият муҳокама қилинди. Муҳокама натижалари бўйича ФАТФнинг қора рўйхатида бўлган давлатларга (жами бўлиб 50 тадан ортиқ давлат) нисбатан халқаро молиявий тизимни жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш хавфидан ҳимоя қилиш мақсадида тегишли қарши чораларни кўриш бўйича оммавий мурожаат қабул қилинди.

Адашганлар ўз ўринларини топмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қабул қилган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарори туфайли қанчалан-қанча алашган фуқаролар жамиятда ўз ўринларини топмоқдалар. Шубҳасиз, бунда прокуратура органларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Улуғбек РАҲИМОВ,
Бўз туман прокурори

Амнистия актини ҳар бир маҳкумга нисбатан монеликсиз ва холисона қўлланилиши устидан қатъий назоратни амалга ошириш ҳамда ушбу жараёнда қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олиш юзасидан Бўз туманида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, туман ҳокимлиги томонидан Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши, "Маҳалла" ва "Нуроний" жамғармалари туман бўлимлари ҳамда тумандаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокида "Амнистия тўғрисида"ги Қарорнинг қўлланилиши тартиб-тамойилларида жамоатчилик назорати ва очиқ-ошкоралиқни таъминлаш бўйича 11 нафардан иборат ишчи гуруҳи тузилган. Уларга қарорнинг ижроси юзасидан мониторинг олиб бориш, суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан амнистияни қўллаш амалиётини ҳамда иш юритувидаги материаллар ва жиноят ишлари билан танишиш, тумандаги мутасадди идоралар томонидан амнистия акти асосида жазони ижро этиш муассасаларидан келган шахсларга моддий, тиббий ҳамда бошқа ёрдамлар кўрсатиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан мунтазам равишда мониторинглар ўтказилишини таъминлаш каби вазифалар топширилди.

Шу билан бирга, озод этилган шахсларнинг ижтимоий кўникма ва ҳимоясини таъминлаш билан боғлиқ масалалар ўз вақтида самарали ҳал этилиши учун туман прокуратураси, ИИБ, МХХ ва судлар, шунингдек, маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларидан иборат таркибда ҳудудий комиссия ҳам тузилди.

Фактларга мурожаат қилсак: жиноят ишлари бўйича Бўз туман суди томонидан 2012 йил 16 февраль ҳолатига жами 49 та ишлар бўйича 72 нафар шахсга нисбатан Олий Мажлис Сенатининг 2011 йил 5 декабрдаги "Амнистия тўғрисида"ги Қарори қўлланилган. Муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазо ва жавобгарликдан озод бўлган, қасддан жиноят содир этган 3 та жиноят иши бўйича 3 нафар шахсга қарорнинг 7-банди 2-кичик банди, 1 нафарига 7-бандининг 1-кичик банди "а" банди қўлланилди. Шунингдек, вояга етмаганларга нисбатан бўлган жиноят ишлари бўйича суд жараёнида 1 нафар вояга етмаганга қарорнинг 7-бандининг 1-кичик банди "б" қисми қўлланилган.

Дастлабки тергов ва суриштирув даврида туман прокуратурасига амнистия актини қўллаш ҳақида киритилган тақдимномаларни ўрганиш натижаларига кўра, судга киритилган илтимосномалар туман суди томонидан тўлиқ қаноатлантирилган.

Дастлабки тергов даврида амнистия акти қўлланилган жами 6 та жиноят иши бўйича жиноят натижасида етказилган жами 30 млн. 961 минг сўм миқдоридаги моддий зарарнинг ундирилиши таъминланган.

2012 йилнинг ўрганиш кунига қадар 3 нафар шахс жазони ижро этиш муассасасидан амнистия актига асосан жазодан озод этилган бўлиб, туман ИИБнинг профилактик ҳисобига қўйилган ҳолда, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ижтимоий кўникма марказига юборилган. Марказ томонидан ушбу шахсларнинг ҳар бирига нисбатан алоҳида йиғма жилдлар юритилиб, уларнинг бандлигини таъминлаш, тиббий кўрикдан ўтказилишини ташкиллаштириш ва ижтимоий муҳофазасини тўғри йўлга қўйиш мақсадида туман тиббиёт бирлашмаси ва туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш марказига йўлланмалар берилиб, тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилиши таъминланди.

Шунингдек, амнистия актига асосан жазони ижро этиш муассасасидан озод бўлиб келган 3 нафар шахсга жами 1 млн. 38 минг сўм миқдорида моддий ёрдам пуллари берилиши таъминланди.

Бундан ташқари, ана шундай шахсларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази томонидан тумандаги муассаса ва ташкилотларда туман ҳокимининг қарори билан яратилган квота иш ўринлари ва ушбу иш ўринларида яратилган меҳнат шарт-шароитлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилди. Натижада шахсларнинг бир нафари ишга жойлаштирилиб, икки нафарига ишга йўлланмалар берилди.

Қонун устуворлиги — юрт фаровонлиги

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Ҳукуматимиз ва Республика Бош прокурори томонидан қўйилган кенг миқёсли ва масъулиятли вазифаларни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг оёққа туришига ҳуқуқий жиҳатдан кўмаклашиш, мавжуд муаммоларни прокурорлик таъсир чоралари орқали бартараф қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган ҳолда, турли бюрократик тўсиқлардан ҳимоя қилиш бугунги кунда прокурорлик фаолиятининг асосий вазифаларидан бирига айланди. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган 33 та текшириш давомида 218 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди, яъни аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш борасида 40 та тақдимнома киритилди, 36 та ноқонуний қарорларга протест келтирилди, 67 нафар шахс қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилди, 75 нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди, 4 та жиноят иши қўзғатилди. Прокуратура органлари томонидан ўтказилган назорат тадбирлари давомида ўтган йилда 319 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди, уларнинг мурожаатлари асосида прокуратура аралашуви билан тижорат банкларидан 154 нафар тадбиркорга 24 млрд. 457,4 млн. сўм миқдоридаги кредитлар ва 36 нафар тадбиркорга 73 млн. сўм миқдорида нақд пул олиб берилиши таъминланди, 61 нафар фуқаронинг тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун рўйхатдан ўтиши ва гувоҳнома олиши таъминланди. Туман ва шаҳар прокуратуралари аралашуви билан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш ёки янгитдан ташкил этиш ҳисобига 2428 та, шу жумладан, вилоятнинг 634 та қишлоқларида ташкил этилган 177 та тадбиркорлик субъектлари ҳисобига 436 та янги иш ўринлари яратилди. Жумладан, Учқудуқ туман прокуратураси томонидан "Миллий банк"нинг туман филиалидан якка тартибдаги тадбиркор А.Баймановга савдо фаолиятини ривожлантириш учун 30 млн. сўм, "Учқудуқ-иссиқ-кулча" ХКга савдо фаолиятини ривожлантириш учун 50 млн. сўм кредит маблағи олишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Вилоят ҳокими билан биргаликда 1970 нафар тадбиркорлик субъектлари қабул қилиниб, 90 фоиздан ортиғининг манфаатлари ҳимоя қилинди ва амалий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 2011 йилда вилоят ҳокими ва вилоят прокурори томонидан 42 маротаба ўтказилган "Очиқ эшиклар" кунида муаммоли масалалар юзасидан 3460 нафар тадбиркор қабул қилиниб, шундан 3218 нафари ёки 93 фоизининг масаласи ижобий ҳал қилинди, қолган 242 нафарининг ҳуқуқлари тушунтирилди. Масалан, Кармана туманидаги "Санжар Султон боғи" хусусий корхонаси раҳбари С.Қурбоновнинг иссиқхона қуриш учун "Миллий банк"нинг Навоий филиалидан 400 млн. сўм кредит олишда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати ўрганилиб, хусусий корхонага 300 млн. сўм миқдорида кредит ажратилиши таъминланди.

Вилоят прокуратураси томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимояси борасида норматив база ва тавсияларни ўз ичига жамлаган "Тадбиркорларга ҳуқуқий маслаҳатлар" номли тўплам чоп этилиб, вилоят прокуратурасида унинг тақдимоти ўтказилди ва 2 мингтаси тадбиркорларга тарқатилди. Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ҳудудий прокуратураларда "007" рақамли ишонч телефонлари ўрнатилганлиги жуда қўл келиб, ўтган йилда ишонч телефонларига тадбиркорлардан келиб тушган 400 га яқин мурожаат асосида уларга амалий ёрдам кўрсатилди.

"Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш ҳақида"ги қўшма кўрсатма талабларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, кенгайтириш ва ривожлантириш учун яратиб берилаётган шароитлар ва бу борада амалга оширилаётган ишлар аҳволи мунтазам ўрганиб борилди, қонунбузилишига йўл қўйган шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди. Жумладан, Учқудуқ туман бош меъмори Ю.Ҳақбердиев тадбиркорлар Б.Қодиров, Т.Ҳоликов, М.Равшанов ва А.Турсуновларнинг фаолиятини кенгайтириш учун ер ажратишни сўраб ёзган аризаларини асоссиз равишда кўриб чиқмаганлиги аниқланиб, у МЖтКнинг 43-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилди. "Зарафшон шаҳар электр тармоқлари" корхонаси муҳандиси Т.Аҳмедов эса тадбиркорлар Х.Рамазанов, Р.Тўраев, Т.Тирикин, Н.Азимов, Б.Ҳотамов ва И.Ҳамроевларнинг электр тармоқларига уланиш учун тақдим этилиши лозим бўлган техник ҳужжатлардан ташқари ортиқча ҳужжатлар талаб қилганлиги аниқланиб, интизомий жавобгарликка тортилди.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга тамагирлик мақсадида тўсиқ бўлаётган айрим мансабдор шахсларнинг жиноий жавобгарлик масаласи қатъий равишда кўриб борилмоқда. Жумладан, Давлат солиқ қўмитаси Бозорлар ва савдо комплекслар фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси вилоят суриштирув шўъбаси катта суриштирувчиси Н.Камолов шўъба раҳбари Н.Аҳмедованинг топшириғига асосан Навоий шаҳридаги "Саҳоват" МЧЖга қарашли деҳқон бозорида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган О.Жиянованинг савдо дўконида ўтказилган қисқа муддатли текшириш натижаси бўйича жиноят иши қўзғатмаслик эвазига 500 минг сўм миқдордаги пулни пора тариқасида олган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ушланган. Мазкур ҳолат юзасидан вилоят прокуратураси томонидан қўзғатилган жиноят иши айблов хулосаси билан судга юборилиб, жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Тадбиркорлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган айрим товламачи шахсларга нисбатан ҳам қатъий чоралар кўрилди. Чунончи, Навоий шаҳрида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, муқаддам судланган Ринат Хайруллин товламачилик йўли билан Навоий шаҳрида фаолият олиб бораётган 9 нафар тадбиркордан назорат ва текширув органларига шикоят аризалари ёзмаслиги эвазига 4 млн. 606 минг сўм пул ва бошқа молмулкларни олганлиги аниқланиб, у суд ҳукмига асосан узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Аҳолининг иш билан бандлиги тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда бандликка кўмаклашувчи марказлар ҳамда айрим корхона ва муассаса раҳбарлари томонидан ҳисоботларга қўшиб ёзиш, ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаслик, квоталанган иш ўринларини ташкил этмаслик, бўш ўринлар тўғрисида нотўғри маълумотлар бериш каби қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 455 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Жумладан, Хатирчи туман бандликка кўмаклашиш маркази мансабдор шахслари томонидан фуқароларга вақтинча иш ҳақи олиши ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ишсиз деб эътироф этиш бўйича жамоат ишларига жалб қилинганида 25 фоиз иш ҳақи маблағлари бюджетдан ташқари давлат жамғармаси ҳисобидан таъминланишида, тумандаги "Дўстлик" ҳамда "Обод" уй-жой мулкдорлари ширкатига 2 млн. 995 минг сўм бюджетдан ташқари жамғарма ҳисобидан кўчириб берилган пуллар 45 нафар жамоат ишларига жалб қилинган ходимларга тарқатиш белгиланган бўлсада, уларга берилмасдан, ҳужжатлар сохталаштирилиб, ўзлаштириш йўли билан талонторож қилинганлиги аниқланиб, ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми "г" банди билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов натижасига кўра жиноят иши суд муҳокамасига юборилган ва айбдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланган.

Президентимизнинг 2005 йил 11 февралдаги "Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида тўлиқ ҳисобкитоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан аҳолининг табиий газ ва электр энергияси, ичимлик суви билан таъминланиши аҳволини ўрганиш борасида 29 та текширишлар ўтказилиб, 26 та тақдимнома киритилди, 235 нафар шахс қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилди, 98 нафар шахс интизомий, 134 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди, 42,8 млн. сўмлик моддий зарар ихтиёрий ундирилди, 17,6 млн. сўмлик моддий зарарларни ундириш борасида судларга 35 та даъво аризаси киритилди, қўпол қонунбузилиши ҳолатлари бўйича 2 та жиноят иши қўзғатилди. Масалан, "Карманатумангаз" филиали мансабдор шахслари мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, филиалга истеъмол учун берилган табиий газнинг мақсадли сарфланиши, бир меъёрда аҳолига етказиб берилишини таъминламаганлиги ҳамда газ тармоқларига ноқонуний уланишларни ўз вақтида аниқламаганлиги сабабли 2011 йилнинг 1 январидан 1 октябригача бўлган вақт мобайнида 37 млн. 702,5 минг сўмлик 503 минг метр куб ишлатилган табиий газ бўйича нореал қарздорликка йўл қўйилганлиги аниқланиб, корхона бошлиғи Э.Ҳамдамов, катта уста М.Ахмедов, аҳоли билан ишлаш муҳандиси М.Палванова ва бош ҳисобчи Ч.Ахмедовлар ЖКнинг тегишли моддалари билан юмиоий жавобгарликка тортилди.

Электр энергияси ва табиий газ бўйича нореал қарздорликларнинг келиб чиқишига мазкур соҳада фаолият юритаётган корхоналар мансабдор шахсларининг моддий манфаатдор бўлиш мақсадида қонунбузарликларга кўз юмиб келаётганликлари ҳам сабаб бўлмоқда. Жумладан, "Карманатумангаз" филиалининг назоратчиси Ф.Нуриддинов чиланғар К.Абдуллаев орқали фуқаро О.Қаюмовдан табиий газдан ноқонуний фойдаланганлиги учун тузилган далолатномани бекор қилиш эвазига 150 минг сўм пора олганда ушланиб, суд ҳукми билан қонуний жазога тортилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан Республика Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросига жиддий эътибор қаратилиб, бу борада қатор ишлар амалга оширилди. Ушбу йўналишда ўтказилган текширишлар натижасида 2511 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди, яъни прокурорларнинг тақдимномалари ва қарорлари асосида 779 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди, 65 та ноқонуний қарор прокурор протестига асосан бекор қилинди, аниқланган 14 млн. сўмлик зарар айбдор шахслардан ихтиёрий ундирилиб, судларга 307,6 млн. сўмлик зарарларни ундириш ҳақида 212 та даъво аризаси киритилди ва суд томонидан қаноатлантирилди. Жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 34 та жиноят иши қўзғатилиб, айбдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди, соҳавий назорат тадбирлари натижасида 271 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Бундан ташқари, ўтказилган мониторинглар давомида пахта, галла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари учун мўлжалланган 1,9 гектар майдон ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги ва 26,9 гектарига бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ўзбошимчалик билан экилганлиги, 23,4 гектар майдондан мақсадсиз фойдаланилганлиги аниқланиб, тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Хусусан, Карманадаги "Аҳмад-Санжар-Орзуси" фермер хўжалигининг 0,6 гектар, "Ибрат" фермер хўжалигининг — 0,7, "Усмон-Мурод-Кармана" фермер хўжалигининг — 1, "Шаҳриддин Толиб ўғли" фермер хўжалигининг — 1,5, "Севолтепа Равнақи" фермер хўжалигининг — 2, "Бахром Турсун келажаги" фермер хўжалигининг 3, "Назар" фермер хўжалигининг 10,2 гектар майдонига ўзбошимчалик билан сабзавот ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари экилганлиги аниқланиб, прокуратура аралашуви билан ушбу ерларда чигит экилиши таъминланди ва номлари қайд қилинган фермер хўжаликлари раҳбарлари МЖтКнинг 200-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилди. Шу каби Хатирчидаги "Пахтакор-2001" фермер хўжалигининг 1,26 гектар ва "Лазизбек Азизбек Чиннигул" фермер хўжалигининг 1,52 гектар чигит экишга мўлжалланган ерларига ўзбошимчалик билан қовун, тарвуз ва бошқа экинлар экилганлиги аниқланиб, прокуратура аралашуви билан ушбу ерларга чигит экилиши таъминланди ҳамда ушбу хўжалик раҳбарлари МЖтКнинг 200-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Судларда прокурор ваколатини сифатли таъминлаш орқали одил судловнинг амалга оширилишига кўмаклашилиб, ғайриқонуний суд қарорларини қонунга мувофиқлаштириш, давлат, жамият ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш чоралари кўрилди. Жумладан, биринчи босқичда кўрилган 2089 та жиноят ишларининг барчасида давлат айблови қувватланган, судларда кўрилган 7544 та фуқаролик ишларининг 4741 таси ёки 62,8 фоизида ҳамда 16292 та хўжалик ишларининг 16248 таси ёки 99,7 фоизида прокурор иштироки таъминланган. Фуқаролар ва юридик шахслар манфаатларини кўзлаб фуқаролик судига 1 млрд. 655,2 млн. сўмлик 904 та ва хўжалик судига 1 млрд. 346,1 млн. сўмлик 140 та даъво аризалари киритилган.

Хўжалик судининг 99 та ва фуқаролик ишлари бўйича судларнинг 68 та ноқонуний ва асоссиз қарорлари ҳамда жиноят ишлари бўйича судларнинг 57 та жиноят ва маъмурий ишлар юзасидан чиқарилган ҳукм ва қарорларига протест келтирилиб, тегишли инстанция судларида қонун талабларига мувофиқлаштирилган.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида прокуратура органлари ходимлари жами 5717 та қонунчиликни тарғиб қилиш тадбирларида иштирок этишди, оммавий ахборот воситалари орқали 1276 та чиқишлар қилинди. Вилоят прокуратураси органлари томонидан бу даврда 4216 нафар фуқаро қабул қилиниб, 4085 та мурожаат кўриб чиқилди, шундан 1547 таси бевосита прокурор-тергов ходимлар томонидан ҳал этилиб, 174 таси қаноатлантирди ва 247 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Оилани мустаҳкамлашдаги асосий вазифалар

Оила — авлодлар давомийлиги, қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналарни, қоларверса, халқимиз маънавий меросининг авлоддан-авлодга ўтишини таъминловчи омилдир. Оила мустаҳкамлиги жамият тараққиётининг гаровидир.

Т.УМАРОВ,
Бош прокуратуранинг
Олий ўқув курслари бошлиғи



Президентимиз таъкидлаганидек, "Азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужжассам. Чунки оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор".

Мамлакатимизда бугунги кунда 7 миллиондан ортиқ оилада аҳолининг 95,3 фоизи истиқомат қилади. Бу эса мустаҳкам оила жамият ва давлатнинг тараққиётга эришиши учун асосий унсурлардан бири эканлигидан далолат беради.

"Инсон ҳуқуқлари" Умумжаҳон декларациясининг 16-моддасида, "Оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайрасидир ва у жамият, давлат томонидан муҳофаза этилиш ҳуқуқига эгадир" — деб белгиланган.

"Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги ва "Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро пактлар, "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенция, "Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида"ги конвенция оилага ғамхўрлик кўрсатишнинг минимал даражасини белгилаб, давлатлар учун муайян мажбуриятларни назарда тутади.

Конституциямизнинг XIV боби оилага бағишланиб, унинг 63-моддасида: "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга", деган норма универсал халқаро ҳужжатлардаги принципларга ҳамоҳангдир.

Барча давлатлар оилани мустаҳкамлашга ҳаракат қилиб, бу борадаги ишларнинг асосий йўналишлари ва истиқболларини белгилаб боради.

2012 йилнинг Ўзбекистонда "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши узоқ давом этиб келаётган ижтимоий йўналтирилган ислоҳотларнинг узвий давоми бўлиб, кучли ижтимоий сиёсат тамойилининг навбатдаги амалий ифодасидир.

Муҳтарам Президентимиз оилани мустаҳкамлаш учун оила қонунчилигини ислоҳ қилиш, оилага давлат томонидан ғамхўрлик кўрсатиш, "маҳалла" институти имкониятларидан самарали фойдаланиш, хотин-қизларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ва оиладаги маънавий муҳитни юксалтириш йўналишларини белгилаб бердилар.

Муҳтарам Юртбошимизнинг 2011 йил 13 декабрдаги фармойишига мувофиқ тузилган Республика комиссияси томонидан "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ишлаб чиқилган бўлиб, 2012 йил 27 февралда Президент қарори билан тасдиқланди. Давлат дастурида "Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор" деган инсонпарвар тамойилдан келиб чиққан ҳолда "Мустаҳкам оила йилида" амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим йўналишлар белгилаб берилди.

Мустақиллик йилларида "кучли ижтимоий сиёсат" ривожланишнинг "ўзбек модели" асосий тамойилларидан бири бўлиб, оилани қўллаб-қувватлаш масаласи давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида турибди. Кейинги ўн йилда юртимизда аҳоли даромадлари ҳажми 8,1 баробар ортган ҳолда, аҳолининг энг паст ва энг юқори даромадга эга бўлган гуруҳлари ўртасидаги тафовут, бошқача айтганда, даромадлардаги фарқ коэффициенти 21,1 баробардан 8,3 баробарга қисқарди.

Ижтимоий дастурлар бевосита оилани ҳимоя қилишга қаратилиб, жорий йил давлат бюджети харажатларининг 60 фоиздан ортиғини социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтириш кўзда тутилган . Никоҳга киришаётганларнинг соғлиғини текшириш мақсадида 2003 йилда "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги Низом тасдиқланди. Президентнинг 2007 йилдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги Фармони бўйича ёш оилаларга моддий-маънавий жиҳатдан ёрдам кўрсатилмоқда .

Оилага кўмаклашиш дастурлари ижроси устидан "Оила" илмий-амалий маркази, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси каби фуқаролик жамияти институтлари фаол жамоатчилик назоратини амалга оширмоқда. Масалан, МФЙнинг маслаҳатчилари томонидан 2011 йилда 4 млн. дан ортиқ оила ўрганилиб, 336 мингтаси ишга йўналтирилган, ҳомийлар иштирокида 185 мингтасига моддий, 256 мингтасига тиббий, 582 минг оилага маънавий ёрдам кўрсатилган. Яраштириш комиссиялари томонидан 26 мингдан ортиқ оила яраштирилган.

Оилани мустаҳкамлаш бўйича олиб борилган ишлар натижасида никоҳдан ажралишлар 1991 йилдаги 33,3 мингдан, 2010 йил 20,5 мингтага, ўтган йили бу кўрсаткич 18,5 мингтага камайди.

Мамлакатдаги демографик ҳолат яхшиланиб, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга етган, аҳоли сони 28 млн.дан ошди (мустақиллик йилларида 6,1 млн. ёки ўртача йилига 365 минг кишига кўпайиб борди).

Қишлоқ жойларида замонавий уй-жойлар қурилишига катта аҳамият берилиб, 2011 йилда 7400 та оила ҳар томонлама қулай уй-жойларга, замонавий шароитларга эга бўлган бўлса, 2012 йилда 8510 та оила ана шундай янги уй-жойга кўчиб кириши мўлжалланмоқда.

Аҳоли саломатлиги ҳақидаги ғамхўрлик ва турмуш даражасининг сезиларли равишда яхшиланганги натижасида оналар ўлими 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баробар, уларнинг туғма ва ирсий касалликлар билан туғилиши 2 баробар камайган. Бунда 2011 йилда 5,9 миллион нафар хотин-қиз тиббий кўрикдан, қарийб 150 минг ҳомиладор аёл скрининг текширувидан ўтказилган, қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган 243 мингдан ортиқ ҳомиладор аёл поливитаминлар билан бепул таъминланган, болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш даражаси қарийб 100 фоизни ташкил этган . 2011 йилда "Save the children" томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингида ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган давлатлар орасида Ўзбекистон 9-ўринда қайд этилди. ЮНИСЕФнинг минтақавий офиси оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги дастурлар учун давлатимизни минтақадаги намунавий модел сифатида эътироф этди.

Эришилган улкан ижобий натижаларга қарамай, оила институтини янада мустаҳкамлаш бўйича фойдаланилмаган имкониятлар кўзга ташланмоқда. Айрим ҳолатларда эса маиший зўравонлик, ишсизлик, оилаларнинг тўлиқ эмаслиги (ота ёки она иш қидириб четга чиқиб кетиши), алкогол ва наркотик моддаларни истеъмол қилиш, баъзи тоифадаги (аёллар, болалар, ногиронлар ва б.) шахсларга нисбатан салбий муносабат каби муаммолар ҳам учраб турибди.

Жамоатчилик фикрида фуқаролик никоҳларига нисбатан салбий муносабат (61 фоиз) мустаҳкамланаётган бўлсада, афсуски никоҳсиз муносабатларга киришиш ва никоҳсиз туғилган чақалоқлар сони 2 мартага ошди, натижада оталикни белгилаш тўғрисидаги ишлар сони 2010 йилдаги 1693 тадан, 2011 йилда 2061 тага етган. Кейинги йилларда никоҳга кирувчилар сонининг камайиши кузатилмоқда.

Маълумки, сўнгги 60 йил давомида инсон ҳуқуқлари борасида ижобий ўзгаришлар туфайли кўпчилик давлатларда оила билан боғлиқ муносабатларда "кенг эркинлик бериш" тенденцияси кузатилмоқда.

Ғарбда "иккинчи демографик ўтиш" деб номланган жараён юз бериб, бунда расмий никоҳ тузишнинг сони кескин камайиши, боланинг камол топиши учун ота-онанинг иккаласи бўлиши мажбур эмаслиги, аёллар хоҳлаганда ёлғиз ўзлари бола тарбиялашлари мумкинлиги, абортларга бўлган ижобий муносабат кучайиб бормоқда.

Биз миллий анъаналарни сақлаб қолган ҳолда, ривожланган давлатларнинг ижтимоий ҳимоя сиёсати ва фуқаролик жамияти институтлари тажрибасидан омилкорлик билан фойдаланишимиз мумкин.

Оила институтига берилаётган эътиборни янада кучайтириш — оилани мустаҳкамлаш масалалари тўғрисида фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, оила муҳитига таъсир этувчи омилларни аниқлаш , фуқароларда оиланинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрни, баркамол авлодни шакллантиришдаги аҳамияти ҳақида тушунчаларни мустаҳкамлашни тақозо этади.

Фикримизча, никоҳга кириш масъулиятини ошириш ва бўлғуси эр-хотиннинг оиланикоҳ муносабатлари ҳақидаги билимларини кучайтириш мақсадида ФҲДЁ органларида махсус ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий, психологик, маънавий консультация фаолиятини ташкил этиш лозим. Бу борада никоҳга кираётганларни оилавий ҳаёт бўйича махсус курсларда ўқитиш тизими яхши самара берган бўлар эди.

Мустаҳкам оилани шакллантиришга қаратилган фаолиятда қонунчиликни такомиллаштириш ҳам жуда муҳим. Жумладан, ОКнинг 15-моддаси 1-қисмидаги никоҳ цензини аёлларга нисбатан 18 ёш қилиб белгилаш, 16-моддасидаги никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар 2-бандига "тоға (хола, амаки, амма) ва жиянлар, тоғаванча, холаванча, амакиванча ва аммаваччалар ўртасида" - деган мазмундаги жумлани қўшиш зарур. ОКга ФҲДЁ органлари келин ва куёвни бўлажак эр-хотин ва ота-оналар сифатида ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида таништириб ўтишлари шарт, деган қоидани киритиш лозим. Никоҳдан ФҲДЁ органида ажралаётганда ариза берилганда ўтиши лозим бўлган уч ойлик муддатни олти ойга узайтириш, ОКнинг 40-моддасига никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризасини никоҳ қайд этилганидан бошлаб 6 ой ўтгач бериш мумкинлигини киритиш лозим. Фарзандликка олиш жараёнида болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида, фарзандликка олишнинг маъмурий тартибдан суд тартибига ўтказиш ўринли бўлади.

Фикримизча, оилани мустаҳкамлашга йўналтирилган фаолиятнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни баён этиш мумкин:

— оила институтини ўрганиш бўйича комплекс илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш, оила институтининг баркамол авлодни тарбиялашдаги ролини кучайтириш мақсадида таълим ва тадқиқот муассасалари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш;

— соҳавий қонунчиликка оила мавқеини янада кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий нормаларни киритиш, бу борадаги илғор халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш;

— оилани ҳимоялаш жараёнига фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш, маҳалла институтининг имкониятларидан самаралироқ фойдаланиш, бу мақсадларга йўналтирилаётган давлат маблағларининг сарфланиши устидан уларнинг назоратини кучайтириш;

Умуман олганда, мустаҳкам оила туйғусини жамият ва давлатнинг барча институтларида кенг тарғиб қилишни кучайтириш зарур.

Мақсад – қонунийликни таъминлаш

Вилоятимизда 2011 йил давомида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида олиб борилган фаолият таҳлил этилганда, ҳудудда криминоген вазиятнинг барқарор сақланиши таъминланганлиги маълум бўлди. Хусусан, оғир ва ўта оғир жиноятлар, қасддан одам ўлдириш, қасддан оғир тан жароҳат етказиш, фирибгарлик, безорилик, одам савдоси жиноятлари, вояга етмаганлар, муқаддам судланганлар ҳамда маст ҳолда жиноят содир этилиши ҳолатлари сезиларли даражада камайган. Аммо, шундай бўлса-да, жойларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш борасидаги фаолиятни талаб даражасида, деб бўлмайди.

Зиёдилла ЮЛДАШЕВ,
Наманган вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Маҳаллий ҳокимликлар, давлат бошқаруви, жумладан, ўзини-ўзи бошқариш органлари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, касб-ҳунар бошқармалари, хотин-қизлар қўмиталари, "Маҳалла", "Камолот" жамоатчилик тузилмалари томонидан бу борада қонун билан юклатилган вазифаларнинг етарли даражада бажарилмаганлиги оқибатида, айрим ҳудудларда умумий жиноятчиликнинг камайишига эришилмаган. Бу эса, вилоятимизда баъзи турдаги жиноятларнинг ўсишига, жумладан, ўғриликнинг 35,4, транспорт воситаларини олиб қочишнинг 70, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларнинг эса 5,32 фоизга ошишига олиб келган.

Майда безорилик, назоратсизлик, ичкиликбозлик каби иллатлар оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларни келтириб чиқаришини ёшу қари, у қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар, яхши билади. Бу масалага жиддий ёндашилмагани оқибатида ана шу тоифадаги жиноятлар Чортоқ туманида 60, Янгиқўрғон туманида 52,94 фоизга ортган.

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни 25-моддасида вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш, фуқароларнинг хавфсизлигини, уларнинг соғлиғи ва ҳуқуқларини ҳимоя этиш чораларини кўриш вазифаси юклатилган. Шу билан бирга, улар одам савдосига қарши курашиш, вояга етмаганлар ишлари бўйича ва наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича минтақавий комиссияларнинг раислари ҳисобланадилар. Бироқ, айрим туман-шаҳар ҳокимлари томонидан қонунда белгиланган ушбу соҳадаги масъулиятли вазифаларнинг бажарилиши ўз ҳолига ташлаб қўйилмоқда. Айримларида жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг ўсиши, ушбу ҳолатларнинг таҳлил этилмагани учун профилактикасини ташкил этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланмаяпти.

Масалан, Тўрақўрғон туманида 2011 йилда умумий жиноятчилик, қасддан одам ўлдириш, босқинчилик, ўғрилик, фирибгарлик, ўлим билан тугаган йўл транспорт ҳодисалари, гиёҳвандлик жиноятлари содир этиш каби ҳолатлар кескин ўсган. Аммо туман ҳокимлиги ҳудуддаги криминоген вазиятдан келиб чиққан ҳолда, бундай салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқмаган. Шу каби ҳолатни Наманган шаҳри, Янгиқўрғон, Поп, Чуст, Норин, Наманган тумани ҳокимликларида ҳам кўриш мумкин.

Ушбу масалага етарли эътибор бермаган шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг 10 нафар ходими интизомий жавобгарликка тортилди.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасида фуқаролар йиғини кенгашига, 13-моддасида фуқаролар йиғини раисига жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида бир қатор ваколатлар берилган. Аммо... Соҳага масъул шахсларнинг ўзи жиноятни бошлаб берса, "даврнинг келди, суриб қол" қабилида ўз ваколатини суиистеъмол қилишга бош-қош бўлса, нима дейсиз?!

2011 йилда бу борада ўтказилган текширишларда 30 нафар МФЙ раислари ва 19 нафар котиблар 127 млн. сўмлик нафақа пулларини нотўғри тайинлаб, талон-торож қилганликлари аниқланди. Уларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилиб, жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Жумладан, Косонсой туманидаги "Чиндовул" МФЙ томонидан меҳнатга лаёқатли, лекин ишламайдиган ёки бандликка кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида рўйхатда турмаган 14 нафар аёлга 14,1 млн. сўм нафақа пуллари тайинланиб, шундан 4,4 млн. сўми, шу тумандаги О.Аширов номли МФЙ томонидан эса ҳақиқатда нафақага муҳтож бўлмаган аёлларга 6,9 млн. сўм нафақа пуллари нотўғри тўланган.

Бундан ташқари, фуқароларнинг нафақа сўраб қилган мурожаатларини асоссиз равишда кўриб чиқмаслик, сансалорликка солиш ёки ноқонуний равишда рад этиш, тамагирлик қилиш ҳолатларига жойларда ҳамон барҳам берилмаяпти. Масалан, Янгиқўрғон туманидаги "Кўриқ" фуқаролар йиғини мансабдор шахслари нафақага муҳтож фуқароларнинг аризаларини қонунга зид равишда рад этиб, уларга тайинланиши лозим бўлган 2,3 млн. сўмлик нафақани тайинламай, аксинча, муҳтож бўлмаган оилаларга ноқонуний равишда бериб юборишган.

Халқимизда азалдан оила муқаддас саналиб келинган. Юртбошимиз томонидан жорий йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб аталиши ҳам бежиз эмас. Бироқ, оила доирасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш юзасидан маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари томонидан ҳудуддаги фахрийлар, фаолларни жалб этган ҳолда оилавий жанжал бўлган, низолашаётган, ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишга мойил фуқаролар билан тарбиявий таъсир чораларнинг ўтказиб борилмаганлиги оқибатида вилоят бўйича бундай жиноятлар салмоғи юқорилигича қолмоқда.

Маҳаллада яшовчи оилаларнинг турмуш тарзи ва уларнинг муаммоларидан умуман хабарсиз бўлинганлиги, жанжалкаш оилаларнинг оилавий муҳитининг ўрганилмаслиги ҳам оғир жиноятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Масалан, шу йил 10 январь куни Тўрақўрғон тумани, "Қатағон Сарой" ҚФЙ, "Қатағон" маҳалласида яшаган У.Кўчқоров ўзининг уйидаги тўсинга осилган ҳолда, турмуш ўртоғи Н.Самиева ҳамда вояга етмаган 3 нафар фарзанди эса турли даражадаги тан жароҳатлари билан топилган. Бу ҳолат ушбу оиланинг яшаш тарзи, ундаги муҳит маҳалла фуқаролар йиғини томонидан умуман ўрганилмаганини кўрсатади.

Энг ташвишлиси, бундай ҳолатлар бу каби оилаларда вояга етаётган фарзандларнинг таълим-тарбиясига, кейинги тақдирига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Жамиятимизнинг турли жабҳаларида хотин-қизларнинг тутган ўрни ва роли тобора ошиб бормоқда. Хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиш, улар ўртасида жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш криминоген вазиятни барқарор сақлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бироқ таҳлиллар жойларда хотин-қизлар қўмиталари ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган ишлари бугунги кун талабига мутлақо жавоб бермаслигини кўрсатмоқда.

Жиноят қилган аёллар сони 2011 йилда аввалги йилга нисбатан барқарор қолган бўлсада, вилоятда қайд этилган ҳар 6 та жиноятдан биттасининг айнан аёллар томонидан содир этилаётгани ачинарли ҳолат эмасми?!

Жойларда айрим хотин-қизлар қўмиталарининг аёллар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятида расмиятчиликка, ўзибўларчиликка йўл қўйилмоқда, дейиш мумкин. Улар ўртасида чора-тадбирларнинг самарасизлиги оқибатида 2011 йилда аёллар томонидан содир этилган жиноятлар Уйчи туманида 45,10 фоизга, Чуст туманида 52,5 фоизга ошиб кетган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига асосан, фуқаролар йиғинларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий қилинган бўлиб, бу лавозимга ҳаёт тажрибасига эга, аҳолига, биринчи навбатда ёшларга соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масалаларида ижобий таъсир ўтказа оладиган энг обрўли ва фаол хотин-қизлар тайинланиши белгиланган.

Аммо, хотин-қизлар билан олиб борилаётган профилактика ишларидаги камчиликлар туфайли оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларнинг содир этилиши кузатилмоқда. Масалан, Наманган шаҳрида яшовчи Н.А. бир гуруҳ шахслар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, 2007-2011 йилларда вилоят ҳудудида яшовчи 22 нафар аёлни Грузия ва Туркия давлатларига алдаб олиб бориб, шаҳвоний мақсадларда фойдаланиш учун сотиб юборган.

Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Шу билан бирга, бундай ҳолатлар хотин-қизлар билан ишлашда кечиктириб бўлмайдиган вазифалар белгилашни тақозо этади.

Бундан ташқари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ҳамда унинг қуйи тизимлари томонидан маҳаллий ҳокимликлар, корхона, ташкилотлар ва бошқа идоралар билан ҳамкорликда аҳолининг бандлигини таъминлаш ҳамда шу орқали жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Айниқса, ёшлар иштирокида бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилиб, бунда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни тугатган ёшларни ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Лекин барча ҳудудларда ҳам аҳолининг бандлигини таъминлаш ишлари талаб даражасида олиб борилаяпти, деб бўлмайди. Айрим шаҳар, туманлардаги бандликка кўмаклашиш марказлари ходимлари томонидан ишсиз, деб рўйхатга олинган фуқароларни ишга жойлаштирилганлиги ҳақида сохта маълумотлар тузилиб, расмиятчиликка йўл қўйилган. Хусусан, вилоят бўйича меҳнат бўлимларига иш сўраб мурожаат қилган 278 нафар фуқаро ишга жойлаштирилганлиги ҳисоботга қўшиб ёзилган.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда унинг қуйи тизимларига "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасига биноан, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни иш билан таъминлашда қўшимча кафолатлар таъминланиши белгиланган. Аммо 2011 йилда бундай муассасалардан қайтганларнинг 724 нафаридан 97 тасига меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари томонидан иш билан таъминлаш учун йўлланма берилмаган. Бу эса норасмий меҳнат миграцияси салмоғининг ошишига ҳам олиб келган.

Айни пайтда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимининг жойлардаги бўлимлари томонидан ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга кўмаклашиш борасидаги фаолиятини ҳам қониқарли деб бўлмайди.

Масалан, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тўрақўрғон туман бўлими томонидан 2011 йил учун бу масалада 12 банддан иборат Дастур ишлаб чиқилган бўлса-да, унинг ижроси таъминланмаган. Ваҳоланки, 2011 йилда туманда вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятлар 80 фоизга ошиб кетган. "Камолот" ЁИҲ Наманган шаҳар бўлимида эса, вояга етмаганлар ва ўсмирлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар тўғрисида ҳеч қандай маълумот мавжуд эмаслигини нима деб тушуниш мумкин?!

Мақсадимиз аввало, кишиларда қонунларга ҳурмат ва итоат туйғусини қарор топтириш ва уларга амал қилган ҳолда яшашни ҳаёт мезонига айлантириш ҳисобланади. Зеро, давлатимиз раҳбари айтганидек, "Ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир". Қонунийлик эса инсон манфаатлари демакдир.

Ҳақиқатан ҳам, юқорида тилга олинган вазифалар ижросига масъулият билан қараб, уларнинг ижроси таъминланса-гина, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ижобий натижаларга эришиш мумкин бўлади. Ўй-лаймизки, шаҳар-туман ҳокимликлари ўтган йилда йўл қўйилган камчиликларни жорий йилда такрорламаслик йўлидан бориб, юрт тинчлиги, халқимиз фаровонлигини мустаҳкамлаш борасида ижобий натижаларга эришишади.

Меъмор бўлажак тадбиркорга тўсиқ бўлса...

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат органлари аралашувини қисқартиришга, бу фаолиятни асоссиз чеклашга ҳамда тадбиркорликнинг амалга оширилиши учун ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Эркин АЛМУРОДОВ,
СВОЖЖДЛКК Департаментининг бўлим бош инспектори

Бунда асосий эътибор, тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсатномалар бериш, рўйхатдан ўтиш, кредит маблағларини олишда ва бино ёки ер участкалари ажратилишида ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларни чеклашларни кескин камайтириш ҳамда мансаб суиистеъмолчиликлари имкониятларини бартараф этишга қаратилган бўлса-да, айрим мансабдор шахслар томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб, фаолиятини бошлашга бел боғлаган тадбиркорларга тўсиқ бўлиш ҳолатлари учраб турибди.

Маълумки, Жиззах вилоятининг Зафаробод тумани аҳолиси асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш соҳасида меҳнат қилади. Ихтиёр Ҳаджабеков туманда аҳолининг чорва молларига хизмат қилишга мўлжалланган ветеринария воситалари билан савдо қилувчи дўкон очиш мақсадида, ер ажратишни сўраб Зафаробод тумани бош архитекторига мурожаат қилган эди.

Туман бош меъмори Қувондиқ Турсунов эса, дўконни очишга ер ажратиш масаласи ўз-ўзидан бўлмаслиги, бунинг учун тегишли ҳужжатларни шахсан ўзи тайёрлашга тўғри келишини айтиб, И.Ҳаджабековдан 1 млн. сўм беришни сўрайди ва ушбу пулларни тамагирлик йўли билан пора тариқасида олаётганида, Департамент ва МХХ ходимлари томонидан ушланади.

Суд томонидан Қ.Турсуновга нисбатан ҳукм ўқилиб, тегишли жазо белгиланди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, юртимизда иқтисодий барқарорликни ривожлантиришда юқори кўрсаткичларга эришиш, тадбиркорлик фаолиятини либераллаштириш, маъмурий ва бюрократик тўсиқларни чеклаш, мансабдор шахсларнинг тамагирлик, порахўрлик ва бошқа турдаги коррупция ҳолатларига йўл қўйишларини олдини олиш муҳим аҳамиятга эга.

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

Қадамингизда гуллар очилсин

Дунё яралиблики, аёл азизу мўътабар зот, инсониятнинг ғамхўри сифатида улуғланади. Хусусан, кўҳна Шарқда аёл доимо эъзозу эътиборда бўлиб, унинг оналик мартабаси ва шаънини ҳимоя қилиш орият мезони саналган. Қурьони карим ва ҳадисларда ҳам аёлнинг азиз номи улуғланиб, ажойиб қисса ва ҳикматлар битилган.

Норбўта ҒОЗИЕВ,
«Ниқиқ»

Аёлни ўқилмаган сирли китоб десак, муболаға бўлмас. Бир оғиз ширин сўз учун кирк жонини фидо қилиб юборадиган, назокату ибо, сабр-матонат, андиша-ю жасорат билан ўзлигини намойиш қилиб, дунёни лол қолдирган зот у. Қалбида бош кўтарган изтироб туғёни юрагига ханжардек санчилиб турса-да, юзига табассум олиб, кўзига кулгу тўлдирган ҳилқат у. Қадимги юнон тарихчиси Геродотнинг "Тарих" китобида қайд этилишича, Аҳмонийлар давлатининг асосчиси, Эрон шоҳи Кир II милоддан аввалги 530 йилда Туронга бостириб кирганида Тўмарис массагетлар қабиласининг маликаси бўлган. Аёвсиз жангда унинг ўғли Спарангизни душман қўшинлари асир олишади. Ор-номусга чидаёлмаган шаҳзода ўзини-ўзи ўлдиради. Шунда ҳам Тўмарис ўзини йўқотиб қўймайди. Мамлакатнинг озодлиги йўлида курашиб, ёв қўшинини тор-мор қилади. Ёки Чор Россияси қўшинлари буюк момомиз Қурбонжон додхонинг ўғлини асир олиб, осиб ўлдиришга ҳукм қилган ҳолатни олайлик. Дор қурилган, оломон йиғилган. Ҳамманинг хаёлида додхонинг ҳоли энди не кечади, деган ўй. Шу пайт узоқдан чанг кўтарилиб, бир отлиқ учиб кела бошлайди — Қурбонжон момо! У нафаси ичига тушган оломонни ёриб ўтиб, тўғри дор остига боради ва фарзандига юзланиб: "Ўғлим, шаҳид кетиш бизга меросдир!" дейди ва жиловни тортиб, отнинг бошини орқага буради-да, қандай келган бўлса, шундай майдондан чиқиб кетади.

Жавдираб турган фарзандига орқа ўгириб кетолган, юрагида фарёд портласа-да, кўзига чиқармасликни эплаган аёл бу! Қўли жиловни қўйиб юбормаган, дўст-душманнинг олдида отдан йиқилиб тушмасликни уддалаган аёл бу! Ватанига, фарзандига, халқига бўлган муҳаббат ундаган уни бу жасоратга.

Табиатда битта мукаммал мўъжиза бор. У ҳам бўлса аёлдир. Фарзандларини оқ ювиб, оқ тарашда, ҳаёт сўқмоқларидан сабот кўрсатиб ўтишда, тинч ва осойишта ҳаётнинг жонбахш томирларига куч-қувват беришда, оиланинг саранжом-саришталигида унинг ўрни беқиёс. Аёл бор жойда саришталик, тинчлик, меҳр-оқибат, инсоф, диёнат ва адолат барқарор. Аёл бола онгига ғўдаклик чоғиданоқ ҳалоллик, покликни сингдиради. Бунда унинг ўзи ҳалоллик ва поклик тимсоли сифатида фарзандига ҳар томонлама ибрат бўлади. Чунки жамият маънан ва жисман соғлом фарзандлари билангина қудратлидир. Оналарни асрасак, демак, фарзандларни ҳам, озод ва обод Ватанимизнинг келажагини ҳам асраган бўламиз.

Аммо аёлнинг қадрини ерга урувчи даврлар ҳам бўлди. Унинг бошига тушган мусибатларни сўзлашга тил ожиз. Юртда зулм жиловсиз кучга айланди. Аёл билан муомалада нозиклик, иззат-ҳурмат ўрнини мутлақо бегона туйғулар — эътиборсизлик, беписандлик кайфиятлари эгаллади. Аёлни эркаловчи, қалбида ноёб туйғулар уйғотувчи нафис каломлар унутилди. Унга фақат ишчи кучи сифатида қараладиган бўлди. Кун бўйи тинка қуритар иш, кечқурун рўзғор ташвиши, қоларверса, меҳрига, ардоғига муҳтож гулдек нозик фарзандлари тақдири... Аёл шўрлик қай бирига улгуришни билмасди. Руҳини ҳам, эркини ҳам махв этувчи қора кучлар исканжаси қалби тубида яширинган иймони дарди ва армонидан бир оғиз сўз очирмади. Осмон ундан йироқлашган, кўзи - кўнгил кўзлари хиралашган эди. Кундузлари чарақлаб турган қуёшни, кечалари бутун оламни нурафшон қилган ой-юлдузларни кўрмасди.

Ногаҳон бутун оламни нурафшон этган Истиқлол қуёши аёлнинг қоронғу қалбини чароғон этди. Юрагига ором бағишлаб, бутун вужудига ажиб ҳислар қуйилиб кела бошлади. Истиқлолга эришгач, мамлакатимизда хотин-қизларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Аёллар жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, дея эътироф этилди ва бу миллий қонунчилигимизда ҳар томонлама қонуний ифоланди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, оилани мустаҳкамлаш ва унга турли имтиёзлар бериш, қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор муҳим қонун ҳужжатлари ҳаётга татбиқ этилмоқда. 1998 йил — "Оила йили", 1999 йил - "Аёллар йили", 2000 йил — "Соғлом авлод йили", 2001 йил — "Оналар ва болалар йили", 2012 йил — "Мустаҳкам оила йили" деб номланишида, бир томондан, давлатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат, иккинчи томондан, бу ғоялар замирида, аввало, аёл тақдири, келажак авлод учун ғамхўрлик турганидан далолат беради. Аёлларга бўлган юксак эъзоз ва эътиборни ҳар йили Президентимиз Фармонлари билан кўплаб хотин-қизларнинг юксак унвонларга, орден ва медалларга сазовор бўлаётганликларида ҳам кўриш мумкин.

Бугун юртимиз шон-шуҳрати, иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшиб, ўзининг фидокорона меҳнати билан Ватанимизнинг олий мукофоти — "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган шарафли номга сазовор бўлган аёллар сафи тобора кенгаймоқда. Санъат, илм-фан, спортга қаратилаётган ғамхўрлик туфайли аёлларимиз ушбу соҳаларда ҳам бугун мамлакат довруғига довруқ қўшмоқдалар.

Юртбошимиз ўтган йили 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мамлакатимиз хотин-қизларига йўллаган табригида, "Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган барча режа ва дастурларимиз ва уларни амалга ошириш ҳақида гапирганда, бир ҳақиқатни такрор ва такрор айтишни истардим — ўз олдимизга қўйган эзгу мақсад-муддаоларимизга етишда мен сиз, азиз аёлларимизни асосий таянчим ва суянчим, энг яқин маслакдошим, деб билганман ва бундан буён ҳам шу фикрда қоламан", дея таъкидлагани бежиз эмас.

Азиз ва мўътабар одамлар ҳақида гап кетганида, халқимизнинг "Қадамингда гуллар очилсин", деган ибораси хаёлдан ўтади. Муҳтарама онахонлар, мунис опа-сингиллар, рафиқаларимиз ва дилбар қизжувонлар! Сизларнинг ҳар бир қадамингизда ҳамиша гуллар очилиб турсин! Токи Сизлар бор экансиз, бахт бор, толе бор, келажак бор. Сизлар бор экансиз, катта ҳарфлар билан ёзиладиган МУҲАББАТ бор. Сизлар бор экансиз, ҳаёт давом этаверади, эзгу орзуларимиз кўнгилларимизни тўлдириб, бизни нурли манзиллар сари етаклайверади.

Наманганда прокуратура тизимида фаолият юритаётган аёллар ҳақида гап кетганда, энг аввало Хожирахон Қиргизбоева (марҳума) эсланади. Вилоят хотин-қизлар қўмитасининг энг фаол аъзоси бўлган бу аёл узоқ йиллар Наманган шаҳар прокурори, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган. У киши қолдирган бебаҳо иш тажрибаси шогирдларига яна йиллар оша ҳаётий мактаб бўлади.

Аёлга бахт беринг...

Нилуфар НИЁЗОВА,
«Ниқиқ»

Кўп йиллар вилоят прокуратурасида бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган Венера Ташбулатова ҳам ана шундай фидойи инсонлардан. У ўрта мактабни тугатгач, 1971 йилдаёқ вилоят прокуратурасининг инспектори вазифасида иш бошлади. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг ҳуқуқшунослик факультетини сиртдан битиргач, 1978 йилда тезкор ходим лавозимига ишга ўтказилди. Қарийб 30 йилдан зиёд вақт мобайнида вилоят прокуратурасида фаол хизмат қилган опа "Шуҳрат" медали соҳиби бўлиши билан бирга, айни пайтда кексалик гаштини сурмоқда.

Бугун Поп туман прокурорининг катта ёрдамчиси вазифасида ишлаб келаётган Маҳмуда Насибалиева ҳам жонкуяр ҳуқуқшунослардан. Мактабни муваффақиятли тамомлаган қизалоқ пойтахт сари йўл олди. Университетда ўқиб, ҳуқуқшунос бўлди. Албатта, буларга осонликча эришилмади. Ўқиш баробарида Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси тергов бўлимида ишлаган Маҳмуда танлаган йўли тўғрилигига яна бир карра ишонч ҳосил қилди. У қаерда, қандай лавозимда бўлмасин, касбини севди, зиммасига юклатилган масъулият, ишончни яхши англаб, шунга яраша иш тутди.

Наманган шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Сурмахон Султонова алоҳида эҳтиромга лойиқ аёл. Болалигидан ҳуқуқшунос бўлишни орзу қилган Сурмахон эзгу ниятларига етиб, фаолиятини 1979 йилда Чуст туман судида суд мажлиси котиблигидан бошлади. Мана, қарийб 30 йилдан ошибдики, ҳуқуқий органларда самарали хизмат қилиб келмоқда.

Вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Гўзал Шарипова ҳақида ҳам кўп илиқ гаплар айтиш мумкин. Ундаги касбига хос қатъият, талабчанлик эътиборни тортмай қолмайди. Гўзал бир ишга киришдими, охирига етказмай қўймайди. Шунданми, бугун вилоят прокурорининг ҳуқуқий тарғибот бўйича катта ёрдамчиси сифатида оммавий ахборот воситалари билан мунтазам алоқани йўлга қўйган.

Наманган шаҳар прокурори ёрдамчиси Нигина Гаиббаеванинг прокуратура тизимида иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ, эндигина икки йил тўлди. Бироқ шу қисқа вақт мобайнида у устозлари кўмаги билан соҳанинг сир-асрорларини ўрганмоқда. Бугун у ўз ҳаракати билан ҳамкасблари меҳрини, ишончини қозона олди.

Бу қайдларни бежиз келтирмадим. Бугун аёллар орасида ҳуқуқ ҳимоячисидек муқаддас касбни давом эттираётган борки, уларнинг заҳмати, машаққати бисёр. Байрам баҳона уларнинг кўнглини кўтариш, айём билан қутлашнинг шукуҳи ўзгача.

Ҳа, кўпдан соғиниб кутганимиз — юртимизда баҳор эпкинлари эса бошлади. Бу хурсандчиликлар байрамлар бошланаётганидан дарак, аслида! Ана шундай кунларда кўнглингга яқин, азиз кишилар суҳбатига эҳтиёж сезасан киши.

Бундан бир неча йил аввал айни баҳор арафасида шоира Зулфия Мўминова вилоятимизга ташриф буюриб, ижодий учрашувлар ўтказган, айримларида мен у кишига ҳамроҳлик қилгандим. Учрашувларда опадан кетма-кет шеър ўқишини сўрашарди. Қучоқ-қучоқ гуллар билан қайтардик ортга. Айрим кунлари кечқурун опани меҳмонхонага кузатар эканман, хижолатлик ила сўрардим:

— Опа, чарчаб қолмадингизми?

— Э-э, мухлислар дийдори, улар билан юзма-юз турганда, чарчоқ нима қилади менда?! — дерди Зулфия опа мамнунлик билан. — Улар сени интиқ кутса, сен вужудингдан отилиб келаётган оташин назмларингни тортиқ этсанг... Ижод аҳли, айниқса, шоира аёл учун бу катта бахт!

Чиндан ҳам, Зулфия опа учрашувларда шеър ўқийди-ю, қалбим тўлқинланиб, ифтихорга тўлаверади. Хаёлан ўйга толаман: "Опа Республика хотин-қизлар қўмитасида фаолият юритаётган бўлса... Албатта, вазифасининг масъулияти, машаққати ҳам ўзига яраша, ижоддан узоқлашмай ҳамон шеъриятга, мухлислари орасига ўзини уриши катта бир жасорат! Бир аёл бўлса, шунчалик бўлибди-да!"

Хаёлларимни сезгандек, йўлда гапириб боради:

— Мен ҳаётимни шеъриятсиз тасаввур этолмайман. Ижодимнинг асосий мавзуси — аёл. Бир четда кузатиб эмас, бевосита кўрганларимни шеър қилиб ёзганимгами, ишончли, мазмунли чиқади...

— Бир шеърингизда шундай сатрлар бор, — дейман ёд бўлиб кетган сатрларни такрорлаб:

Шеърларимни ўқиб шод этадилар,

Биламан, самимий гул
тутадилар.
Мен кетсам бир кунда
унутадилар,
Соғ бўлсам керакман
мухлисларимга.

Болаларим гўдак, қушдек
жовдирар,
Кўксим чангалласам,
қўрқар, довдирар.
Менга бир не бўлса, қай
йўлга қарар,
Соғ бўлсам керакман
болаларимга.

Бу "Аёл соғ бўлсагина бировга керак бўлади", дегани эмасми?

Шеърини бу тахлит тушунганимдан ранжигандек Зулфия опанинг ранги ўзгариб олади. Кейин ўйга толганча, секин гапга киришади:

— Аёл, авваламбор, оиласи учун соғ-омон бўлиши керак. Соғлом аёл ҳар жабҳада тараққиётга ҳисса қўшади. Шу маънода мен носоғ бўлишга ҳаққим йўқ, демоқчи бўлгандирман, балки... Ахир дунё ўткинчи, мухлислар ҳам... Бугун бир шеър қалбини забт этса, эртага бошқаси бўлар, яна билмадим... Барибир, аёлларимиз бор бўлсин, омон бўлсин!

Шу тариқа шеъларидан яна бирини ўқиб боради:

Аёлга бахт беринг,
саодат беринг,
Деманг, юрибди-ку
кулиб, жилмайиб.
Аёл кулиб туриб ўлиши
мумкин,
Дунёни олиши мумкин
жилмайиб.

Аёлга бахт беринг,
саодат беринг,
Гар кўзлари кулиб
турса-да.
Бўғзининг остида неча
минг ҳасрат,
Ой юзлари кулиб
турса-да.

Кўнглини кўтаринг ҳеч
бўлмаганда,
Қўлини силашга шарофат
топинг.
Ногоҳ ерга тушса оппоқ
рўмоли,
Босиб ўтмасликка
шафоат топинг.

Чақалоқ ялаган
этакларини.
Тоза деб айтишга адолат
топинг...

Аслида аёл ўзини бахтли деб билиши учун эркакларнинг қўли гулга етса кифоя...

Ҳар гал аёллар байрами арафасида Зулфия опа билан бўлиб ўтган ана шу гурунглар ёдимга келаверади. Ҳар гал эслаганимда, ундаги шижоат, жўшқинлик, кучқудратга тан беравераман. "Аёл бир қўли билан бешикни, бир қўли билан дунёни тебратади", дейишганда, ҳаётини ҳам оила, ҳам севимли касбига бағишлаганлар назарда тутилгандир эҳтимол?!

Албатта, нимаики бўлсада, аёл ўз бахтини барибир оиласи, турмуши, фарзандларида, деб билади. Бу эса ўзбекона хислат, фазилат. Илоҳим, ана шу туйғу уни асло тарк этмасин. Барчамизни баҳорий айёмларнинг илиқ тафтидан меҳрга янада бой этсинки, биз учун муқаддас — оила бахти ураётган нафасимиз билан ҳамоҳанг бўлсин.

Майли, севинг аёлни,
мақтовга сўз етмасин,
Уйингиз юмушидан қўли
қўлга тегмасин.
Аммо буюк бахт аёлга
уйда эркак борлиги,
Шу бахт уни ҳеч қачон
бевақт ташлаб кетмасин!

Аёл — садоқат рамзи

Ҳаёт оқар дарё, деймиз. Дарҳақиқат, у ҳеч қачон ҳаракатдан тўхтаб қолмайди. Дарё ҳам маълум бир ўринларда тўсиқларга дуч келиб, димланиб тургани билан яна тошиб, жўшиб, ўз йўлида давом этгани каби, инсоният ва жамият ҳаётида рўй берадиган турғунликлар вақти-соати келиб, ўз ўрнини шиддатли оқимларга бўшатиб беради. Бу муқоясадан хулоса шуки, инсон ҳамиша ҳаётни янгилашга, уни яхшилашга интилиб яшайди. Шу боис тараққиёт рўй беради, даврлар, тузумлар алмашинади.

Тоғмурод МУРОДОВ,
Қашқадарё вилоят
прокурори ўринбосари

Юртбошимиз раҳнамолигида халқимиз қўлга киритган мустақиллик ҳам зулм ва истибдод устидан адолат тантана қилиши тарихий зарурат эканлигини яққол намоён этди. Натижада, давр ўзгарди, тинч ва фаровон кунларга эришдик. Қадимда кўп хўрликлар кўрган, истибдод исканжасида сақланган ўзбек аёли эрк қуёшидан баҳра олиб, чинакам бахт-саодатга мушарраф бўлди.

"Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди". Муҳтарам Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асаридаги бу пурмаъно сўзлар қайси ўзбек аёлининг қалбидан жой олмайди, дейсиз.

Сирасини айтганда, оилага ғамхўрлик қилиш жамият ва давлатнинг нуфузини ошириб, фарзандлар келажагини таъминлашга хизмат қилади. Ҳар бир она юрагидаги орзу ва интилишларга йўл очиб беради. Мамлакатимизда оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади. Аёл зотига бўлган юксак ҳурмат, эътибор ва эъзоз, энг аввало, бизнинг Асосий Қонунимизда ўз аксини топган. Конституциямизнинг 46-моддасида хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқли эканлиги қайд этилган бўлиб, ҳаётимизнинг ҳар жабҳасида бунинг исботини кўриш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, мамлакат миқёсида қабул қилинаётган аксарият қонунлар, хусусан, "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент Фармонининг ҳаётга жорий этилиши ёшларимиз ҳаётида унутилмас воқеа бўлди. Зеро, оила жамиятнинг асосий бўғини, таъбир жоиз бўлса, давлат ичидаги давлат бўлиб, мантиқан олиб қараганда, оилани мустаҳкамлаш — жамият ва давлатни мустаҳкамлаш билан баробар.

Шу боис ҳам Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллиги муносабати билан қилган маърузасида 2012 йилни "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилди. Оила мустаҳкамлиги эса энг аввало, маънавиятга бориб тақалади. Ота-она билимли, маърифатли кишилар бўлса, бундай оилада тарбияланган бола ҳам билимга интилади, билим ўз навбатида инсонни маънавий баркамолликка олиб боради.

Маънавият тўғрисида гап кетаркан, халқимиз тарихига, адабий-бадиий ҳамда фалсафий қарашларига назар ташлаймиз ва унинг томирлари нақадар теран эканлигини англаймиз. Бу илдизларнинг теранлиги яна шундаки, бизнинг ўтмиш аждодларимиз аёлларни ҳамиша улуғлаганлар, қадрини баланд тутганлар ва ҳеч бир соҳада камситмаганлар. Бундай ҳолни улуғ шоиримиз Алишер Навоий томонидан Ширин, Меҳинбону, Лайли, Дилором каби аёллар образи яратилиб, уларни меҳру вафода тенгсиз қилиб тасвирланганида ҳам яққол кўрамиз. Бу билан Ҳазрат Навоий аёл зотини севиш ва эъзозлашга даъват этганлар.

Юртимиз аёллари бу борада дунёнинг энг бахтиёр инсонлари сафидан жой олганлар, десак муболаға бўлмайди. Чунки улар нафақат оила бекаси ва фарзандларимизнинг севикли онаси, балки халқ хўжалигининг барча соҳаларида фаолият кўрсатиб, элнинг ҳурматэътиборига сазовор бўлмоқдалар.

Айтиш жоизки, Президентимизнинг "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низоми" ва Оила кодексида белгилаб қўйилган талабларни амалга ошириш билан боғлиқ барча вазифалар аёллар шаънини улуғлаш ва ёш авлод тарбиясига қаратилганлиги билан қимматлидир.

Мамлакатда кенг қулоч ёзаётган ислоҳотлар ҳам хотин-қизларимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этди. Бозор иқтисодиётига ўтиш, фермерликни ривожлантириш, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш, улар манфаатини қонун йўли билан муҳофаза этиш натижаси ўлароқ, минглаб хотин-қизларимиз бу соҳаларда ҳам ўз иқтидорларини намоён этмоқдалар. Бунинг натижасида мазкур соҳалар жадал ривожланаяпти. Масалан, кичик бизнеснинг вилоятимиз иқтисодиётидаги улуши кейинги 5 йил мобайнида 39,5 фоиздан 55 фоизга ўсганлиги, юқорида таъкидлаганимиздек, хотин-қизларимизнинг эркаклар билан елкама-елка туриб меҳнат қилаётганликларининг самарасидир.

Бир сўз билан айтганда, хотин-қизлар меҳнати, уларнинг интеллектуал салоҳияти ҳукуматимиз томонидан юксак қадрланмоқда. Улар давлатимизнинг олий мукофотларига сазовор бўлиб, эл-юрт орасида обрў-эътибор топмоқдалар. Қизларимизнинг ижодкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида "Зулфия" номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди. Шу пайтгача вилоятимиздан 12 нафар қиз мазкур мукофотга сазовор бўлди.

Бугун ана шундай бахтиқбол маликалари бўлган хотин-қизларимизнинг қутлуғ байрами — 8 март. Шу муносабат билан дуогўй онахонларимизни, опа-сингилларимизни муборакбод этамиз!

Қорақалпоғистон қизлари

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида эркаклар билан бир сафда туриб меҳнат қилаётган хотин-қизлар кўпчиликни ташкил қилади. Улар орасида 22 йилдан бери девонхона мудираси бўлиб ишлаб келаётган Тозагул Мугалова ҳам бор.

Ҳалол, сидқидилдан меҳнат қилган инсон, албатта, қадрланади. Шу жумладан, Т.Мугалова ҳам мустақиллигимизнинг 20 йиллиги байрами арафасида Президентимиз Фармони билан "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

Суратда(ўртада) Т.Мугалова ҳамкасблари даврасида

Бебаҳо бойлик

Биламизки, ер юзидаги жамики маҳлуқотлар ичида энг мўътабарлиси инсон ҳисобланади. Шунинг учун бўлса керак, жонли ҳамда жонсиз нарсаларнинг барчаси унинг измида бўлиб, инсон ҳатто, нафақат ер усти балки, ер ости бойликларини ҳам тасарруф этиш ҳуқуқига эгадир. У вақти-бевақт уларни ўз измига солиб, хоҳлаган пайтида истаганича фойдаланади.

Ғофуржон АЛИМОВ,
«Ниқиқ»

Гоҳида бу ишга шунчалар берилиб кетадики, ҳар бир нарсанинг ўлчови борлигини, бу ёруғ оламда ҳамма нарса омонат эканлиги-ю, бу омонатга хиёнат қилиш гуноҳи кабира бўлиб, бугун эгаллаб турган нарсасидан эрта бир кун мосуво бўлиб қолишини, аслида абадий нарсанинг ўзи йўқлигини ҳам унутиб қўяди.

Ана шу инсонга тортиқ этилган бойликларнинг ичида яна бир, ўзига хос ва такрорланмас бойлик ҳам борки, афсуски унинг қадрига доимо ҳам етавермаймиз. У гўё ҳар доим ёнимизда бўлиб, уни ҳар қанча ишлатсак-да, ҳеч уринмайдигандек, камаймайдигандек, биздан ажралмайдигандек туюлади. Афсуски, ундай эмас.

Аввало, бу бойлик дунёдаги барча бойликлардан-да қимматлироқ ҳамда азизроқ ҳисобланса-да, аслида бебаҳо эканлигини билиб олишимиз шарт. Бу шундайин бир неъматки, мана неча минг йиллардан бери не-не аҳли донишлар-у қалам аҳиллари, олиму киромолар у ҳақда тўлиб-тошиб фикр юритадилар, уни мадҳ этадилар, ундан илҳом оладилар ва доимо унга интиладилар.

Дарҳақиқат, бундай бойликсиз ҳаётнинг ҳаётлиги қолмасди. Буни тан олмасликнинг иложи йўқ. Бу айни ҳақиқат. Айнан шу бойлик туфайли ҳаётимиз фаровон, ойиламиз осуда, кўнглимиз тинч, ишимиз баракали. Бу бойлик ҳақида ҳар қанча гапирсак ҳам оздек туюлаверади. Унинг фазилату хислатларини баён этишда эса гоҳида қаламнинг ҳам ожизлик қилиб қолиши бор гап.

Бу не бахтки, Яратган деярли барчамизни ана шундай бойликдан мосуво этмаган. Бу қандай бойлик эканлигини билиб олгандирсиз. Ҳа, бу бойлик: мунис бувиларимиз, меҳрибон оналаримиз, суюкли опа-сингилларимиз, вафодор ёрларимиз, маъсума қизларимиз...

Ҳа, дунёда улардан-да қимматлироқ, азизроқ ва муқаддасроқ бойликнинг ўзи йўқ.

Буни қаранг-ки, рамзий маънода иккинчи ойиламиз дея аталмиш таҳириятимизда ҳам ана шундай бебаҳо бойликнинг вакилалари ҳам борки, умримизнинг салкам учдан бир қисми ўтадиган бу даргоҳда уларнинг меҳридан баҳраманд бўлишдек бахт бизга ҳам насиб этган. Бирор-бир муаммо туфайли асабийлашганда бир оғизгина ширин сўзи билан барчасини унутиришга қодир, гоҳида иш юзасидан талашиб-тортишсак-да, аслида ўта дилкаш, беғубор ва самимий, гўзал ва дилбар бу қизларимизнинг борлиги биз учун бебаҳо бойлик. Ана шу бойлигимизга, қоларса, юртимиздаги барча онахонларимиз-у опа-сингилларимизга, қизларимизга асло кўз тегмасин. Улар нафақат оилаларининг, балки бизнинг ҳам бахтимизга доимо соғ-саломат бўлсинлар.

Аёллар манфаатлари қонун ҳимоясида

М.ҚУРБОНОВА,
Бош прокуратура бўлим бошлиғи ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши, демократик ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши қатъий белгиланган.

Инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш эса мамлакатимиз прокуратура органларининг устувор вазифаларидан биридир. Ўтган давр мобайнида прокуратура органларининг бу борадаги вазифалари янада такомиллаштирилди. "Прокуратура тўғрисида"ги Қонундан прокурор назорати фаолиятидан фуқароларнинг қонунларга риоя этишлари устидан назорати функцияси чиқариб ташланди.

Прокуратура органларининг фаолиятида айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламнинг, вояга етмаганлар, хотин-қизларнинг ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хотин-қизларнинг жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш мақсадида Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Кўп болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида"ги, "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги Фармонлари, "Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар масалалари бўйича Концепция тўғрисида"ги Қарорлари бунга ёрқин мисол бўла олади.

Ўзбекистон 1995 йил 6 майдан "Оналикни муҳофаза этиш тўғрисида"ги Конвенцияга, 1997 йил 30 августдан "Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакларига барҳам бериш тўғрисида"ги Конвенцияга қўшилди.

"Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенциянинг 3-моддасида, "Аёллар эркаклар билан бир хил шароитларда ва ҳеч қандай камситишсиз жамоат-давлат хизматида лавозим эгаллаш ва миллий қонунчилик билан белгиланган жамоат-давлат вазифаларини бажариш ҳуқуқига эгадирлар", деб қайд қилинди ва уларнинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги ўрни белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги халқаро ҳуқуқнинг шу каби бошқа меъёрларини ўзида акс эттириш билан бирга, маълум жиҳатлари билан ажралиб турадики, бу фарқлар миллий қадриятларимиз билан боғлиқдир. Республикамиз Конституцияси ва бошқа қонунларда фуқароларнинг ирқи, жинси, миллати, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги қонунда белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, Конституциянинг 46-моддасида, "Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар", дейилган. Конституцияда белгиланган хотин-қизларнинг бу ҳуқуқлари билим олиш, касб-ҳунар танлаш, меҳнат қилиш ва иш ҳақи олиш, ижтимоий сиёсий ва маданий ҳаётда эркаклар билан тенг имкониятлар берилиши, меҳнатда оналарга шароит яратилиши оналик ва болаликнинг ҳуқуқий ҳимоя қилиниши, жумладан, ҳомиладор аёл учун ҳақ тўланадиган таътил ва бошқа имтиёзлар берилиши, ёш болали оналарнинг иш вақтини аста-секин қисқартириб борилиши каби ҳуқуқларини кафолатлайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг "Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Женева Конвенциясига қўшилиши мустақил Ўзбекистон давлатининг оналик ва болаликка бўлган катта эътибори, ғамхўрлигидан далолат беради.

1998 йилнинг 30 апрелида қабул қилинган Оила кодекси эса, мамлакатимизнинг оила, хотин-қизлар масалаларида олиб борилаётган ишлари ҳуқуқий жиҳатдан янада мустаҳкамлади.

Аёлнинг оила ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашда унинг мулкий ҳолати ҳам алоҳида ўрин тутади. Шу боисдан, Оила кодексининг эр ва хотиннинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган бобида уларнинг никоҳи давомида орттирган мулки, шунингдек, никоҳга қадар умумий маблағлари ҳисобига олинган мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги мулки ҳисобланади, дейилган. Бундан кўриниб турибдики, аёл никоҳ давомида бирор жойда ишламасдан фарзанд тарбияси билан шуғулланган даврида ҳам оилада орттирилган мол-мулкка тенг ҳуқуқли ҳисобланади.

Мамлакатимизда 1999 йилнинг "Аёллар йили" деб эълон қилиниши муносабати билан Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан "Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар Давлат дастури" тасдиқланди. "Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

Республикамизда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигига кенг йўл очиб бериш мақсадида давлат хокимиятини бошқаришда аёллар сонининг ортишига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 2009 йилда ўтказилган сайловларда 150 та депутатдан 22фоизи Сенатда эса 100 нафар сенатордан 15 фоизи хотин-қизлардан ташкил топганлиги давлат ҳокимиятини бошқаришда аёллар фаоллиги ортаётганлигидан далолат беради. Лекин, хотин-қизларга яратилган ҳуқуқ ва имтиёзларни кафолатловчи қонунларнинг ижроси ҳамма жойда ҳам бир хил бажариляпти, деб айта олмаймиз. Хусусан, Республика прокуратураси органлари томонидан ўтган 2011 йил давомида хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирлари давомида уларнинг баъзи ҳуқуқлари поймол этилганлиги аниқланди. Таҳлилларга қараганда, 2011 йил давомида 297 057 нафар аёл иш сўраб мурожаат этган. Улардан 265 513 нафари ишга жойлаштирилиб, 33 511 таси ишсиз, деб эътироф этилган ва ижтимоий ҳимояга олинган. Йил давомида аёллар учун 482 807 та янги иш ўринлари яратилган.

Текширишларда айрим хотин-қизларнинг аризаларини кўриб чиқишда қонун талаблари бузилгани ҳам аниқланган.

Шу билан бир қаторда, прокуратура органлари томонидан ўтган 2011 йилда бу борадаги қонунларга зид бўлган ҳужжатларга 426 та протест келтирилган, қонунбузилишини бартараф этиш хусусида 274 нафар мансабдор шахсларга огоҳлантириш эълон қилинган. 562 нафар шахс интизомий, 51 нафари маъмурий ва 12 нафари моддий жавобгарликка тортилиб, жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 9 та жиноят иши қўзғатилган.

Бу каби ишлардан бирини мисол қилиб келтириш мумкин. Нигора Эшбекова Улуғбек Эшбеков билан ўн беш йил турмуш қуриб, беш нафар фарзандли бўлишган, биргаликдаги ҳаётлари давомида ўзига яраша мол-мулк орттиришган. Бироқ бу уларнинг никоҳини абадий сақлаб қолишга замин бўлолмаган. Айниқса, кейинги йиллар давомида эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликларнинг кўпайиб борганлиги, орадаги жанжаллар охир-оқибат аёлни болалари билан бирга уйдан ҳайдаб чиқарилишигача олиб келган. Бунга чидай олмаган аёл судга мурожаат қилиб, биргаликдаги турмушлари давомида орттирган 39 турдаги мол-мулкларни бўлиб беришни сўраган. Фуқаролик ишини кўриб чиққан биринчи инстанция суди даъвогар талабини қисман қаноатлантириш ҳақида қарор қабул қилади. Апелляция инстанцияси суди эса, биринчи инстанция судининг қарорини қисман бекор қилиб, янги ҳал қилув қарор қабул қилади. Бироқ бу билан ўн беш йил турмуш қуриб, орттирилган умумий мулкка даъво қилган аёлнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари таъминланди, деб бўлмайди. Чунки, ФПКнинг 332-моддасига кўра, суд ишни апелляция тартибида кўраётганда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қай даражада қонуний, асосли ва адолатлилигини текшириши лозим. У янги далилларни ўрганиб чиқиши ва янги фактларни аниқлаши мумкин. Бунинг устига, апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ текшириб чиқиши шартлиги кўрсатилган.

Иш ҳужжатларига кўра, даъвогар Н.Эшбекова ва У.Эшбековларнинг 5 нафар фарзандлари бор. Жавобгар даъвогарни болалари билан бирга уйдан ҳайдаб чиқаргандан кейин Н.Эшбекова 39 турдаги мол-мулкларни бўлиб беришни сўраган. Аммо суд низони бир томонлама ҳал қилган. Яъни, даъвогарнинг аризасида кўрсатилган мол-мулкларнинг ҳақиқатда бор-йўқлигини, уларнинг кимга тегишлилигини аниқламасдан туриб, фақатгина жавобгарнинг 1 та телевизор, 1 та печка, 1 та вешалка, 4 та товуқ, 4 та жўжани беришга розилиги ҳақидаги тилхатига асосланиб, ушбу мулкларни ундириш билан чекланган.

Ваҳоланки, даъвогар ўз даъвосида мол-мулклар қаторида трактор ва бошқа мулклар ҳам мавжудлигини кўрсатган. Буни У.Эшбеков ҳам ўз кўрсатмасида тасдиқлаган. Аммо трактор акасиники эканлигини кўрсатган. Суд эса, бу мулкнинг ҳақиқатда мавжуд ёки мавжуд эмаслигини, кимга тегишли эканлигини ҳужжатларни сўраш йўли билан аниқламаган.

Республика Олий суди "Фуқаролик-процессуал қонун ҳужжатлари айрим нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида"ги Қарорининг 14-15-бандларига кўра қўшимча далиллар тақдим этиш тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар учун қийинчилик туғдирса, суд уларнинг илтимосига кўра далиллар тўплашда ёрдам кўрсатади.

Суд ишни кўришда фақатгина жавобгарнинг қариндошларини гувоҳ тариқасида сўраш билан чекланган. Ваҳоланки, иш бўйича кўрсатилган мол-мулкларнинг ҳақиқатда мавжуд ёки йўқлигини тасдиқлаш учун қўни-қўшни, маҳалла фуқаролар йиғини ходимларидан ҳам сўраш йўли билан текширилмаган.

Бундан ташқари, даъвогар даъво аризасида жами 39 турдаги мол-мулкларни бўлиб беришни сўраган бўлса-да, суд томонидан ФПКнинг 207-моддаси талабига зид равишда уларни аниқлаш чораси кўрилмаган ва муҳокама ҳам қилинмаган. Иш ҳужжатларида яна бошқа бир-бирига қарама-қарши бўлган ҳолатларга ҳам аниқлик киритилмаган. Шу ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатларни инобатга олиб, Республика Бош прокуратураси томонидан Олий судга протест киритилди. Протест қаноатлантирилиб, иш юзасидан қонуний суд қарори қабул қилинишига эришилди.

Юқоридаги каби қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, хотин-қизлар қўмитаси, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа тегишли ташкилотлар билан доимий ҳамкорликда хотин-қизларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, хотин-қизларнинг одам савдоси қурбони бўлмаслик чораларини белгилаш ва уни амалга ошириш лозим. Шундагина биз хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла кафолатланишини таъминлашга эришамиз.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги Фармонига мувофиқ, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш, шунингдек, мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида 2008-2012 йилларга белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш белгиланган.

Сохта маълумотлар билан...

Баҳромжон НАЗИМОВ,
СВОЖЖДЛКК Департаментининг Андижон туман бўлими бошлиғи

Мазкур фармон ижросини таъминлаш ҳамда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурларини сифатли шакллантиришни ва ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 ноябрда "Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурларини шакллантириш ва амалга оширишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси даромадларини шакллантириш ва маблағларни сарфлаш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланган.

Вилоятимизда, шу жумладан, Андижон туманида ҳам дастурга асосан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида салмоқли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бироқ, бу борадаги ишларни бажариш юзасидан тузилган шартномага кўра, аслида бажарилмаган ишларни ҳужжатларда акс эттириш йўли билан бюджет маблағларини ўзлаштириб, талонторож қилаётган шахсларнинг учраб турганлиги ачинарли ҳолдир.

Департаментнинг Андижон туман бўлими томонидан юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, ана шундай салбий ҳолатларни аниқлаб, етказилган зарарни ундириш чоралари кўрилляпти.

Андижон туманида жойлашган "Идеал сервис-2003" МЧЖ раҳбари Авазбек Максимов ўзининг раҳбарлигидаги жамият билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти ўртасида 2009 йил 31 июлда тузилган "Андижон вилояти туманларидаги 54 дона вертикал дренаж қудуқларни реконструкция қилиш ва қуриш" ҳақидаги умумий қиймати 2 млрд. 22 млн. 942 минг сўмлик пудрат шартномасидан "унумли" фойдаланди. Яъни, 2009 йил ноябрь-декабрь ва 2010 йилнинг январь-май ойлари давомида Андижон тумани Б.Омонов массивида жойлашган 7-сонли тик қудуқни янгидан қуриб, битказиш учун жамият ҳисоб рақамига ўтказиб берилган пул маблағларини талон-торож қилишни кўзлайди. 2009 йил ноябрь ойида бажарилган қурилиш ишлари бўйича тузилган далолатномага 21 млн. сўмлик аслида бажарилмаган қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилганлиги ҳақида сохта маълумотлар киритади. Мазкур далолатномани тўлов учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаментига тақдим этади. Оқибатда ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулки ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилинади.

Суд етказилган зарарнинг ўрни қопланганлиги инобатга олиниб, А.Максимовга икки йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланди.

Имтиёз ва имкониятлар

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Шу билан бирга, ломбард хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 30 фоиз этиб белгиланди.

Бундан ташқари, автомобил транспортида юк ташишга оид хизматларни кўрсатувчи юридик шахслар учун ягона солиқ тўловини 6 фоизлик ставкада, лекин солиқ миқдори ҳар бир автотранспорт сонига қараб аниқланадиган, айнан шундай фаолият турини амалга ошираётган якка тадбиркорлар томонидан тўланадиган қатъий белгиланган солиқ миқдоридан кам бўлмаган миқдорда тўлаш тартиби ўрнатилди.

Иккинчидан, 2012 йилдан бошлаб, акциз солиғи ставкалари алкогол маҳсулотлари турлари бўйича 5-20 фоизга, фильтрли ва фильтрсиз сигарета ва папирослар 20 фоизга, ўсимлик (пахта) ёғи 10 фоизга индексация қилинди.

2012 йилдан чакана савдо тармоғида сотиладиган, олтиндан тайёрланган заргарлик буюмларининг 1 грамми учун 10 АҚШ долларига тенг миқдорда акциз солиғи жорий этилди. Бунда, чакана савдо корхоналарига тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, харид қилинган олтиндан тайёрланган заргарлик буюмлари бўйича тўланган акциз солиғи суммасини чегириш ҳуқуқи берилди.

Учинчидан, товарлар (ишлар, хизматлар) сотиш ҳажмидан бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга ҳисобланадиган мажбурий ажратмалар ставкалари сақланиб қолинган бўлса-да, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкалари унификация қилинди ва натижада барча фаолият турлари учун 1,4 фоиз миқдорида ягона базавий ставка жорий этилди.

Шунингдек, фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ставкаси 4,5 фоиздан 5,5 фоизга оширилди.

2012 йилда киритилган янги нормалардан яна бири шуки, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб уяли алоқа компаниялари абонентлик рақамларидан фойдаланганлик учун ҳар ойда 400 сўм миқдорида тўлов ундирилиши жорий қилинди.

Мазкур тўлов Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан ундирилиши ва қуйидагича тақсимланиши кўзда тутилиб, унинг 90 фоизини бюджетга, 10 фоизи эса, агентликнинг инвестиция дастурларини молиялаштириш учун махсус ҳисоб рақамига ундирилиши белгиланди.

Тўртинчидан, ер ва сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва ягона ер солиғи ставкалари 20 фоизга индексация қилинди.

2. Жисмоний шахсларга таллуқли янгиликлар:

биринчидан, аҳоли даромадлари ва харид қобилиятини ошириш мақсадида 1 январдан бошлаб жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ўрта ва юқори шкалалари солиқ ставкалари ўзгаришсиз қолдирилиб, қуйи шкаласи солиқ ставкаси 10 фоиздан 9 фоизгача камайтирилди.

Иккинчидан, 2012 йилда якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаларини унификациялаш ва оптималлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, хизмат кўрсатиш соҳаси, айниқса, сартарошлик хизматлари ва бошқа шу каби маиший хизматларни кўрсатиш учун ундириладиган қатъий белгиланган солиқнинг ставкалари ўртача 2 бараварга камайтирилди.

Шунингдек, автомобил транспортида юк ташишга оид хизматларни кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий солиқ ставкалари ҳудудлар бўйича унификация қилинди ва қатъий солиқнинг ягона ставкалари камайтирилди.

Яна бир муҳим ҳужжат, яъни Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс янги 159-1-модда билан тўлдирилиб, фуқаролар ўртасида бинони, иншоотни ёки уларнинг бир қисмини, турар жойни ижарага бериш шартномасининг мавжуд эмаслиги ёхуд ижарага бериш шартномасининг мажбурий нотариал тасдиқланишига риоя қилмаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Ушбу норма киритилишининг асосий сабаби, амалиётда кўчмас мулк объектларининг тўлиқ кадастр ҳисобини юритмаслик ва турар жойни ижарага бериш шартномасини тузмаслик ҳолларининг учрашидадир.

Шунингдек, фуқароларга уй-жойларни қуриш қоидаларини бузиш ёки уй-жойларга доир мулк ҳуқуқларини кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органларда ўз вақтида расмийлаштирмаслик учун жавобгарлик чораларини белгилашни назарда тутувчи қоида 160-моддасига киритилди.

Бунда, фуқароларнинг уй-жойга доир мулк ҳуқуқини кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органларда ўз вақтида расмийлаштирмаслиги энг кам иш ҳақининг 1 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Солиқ кодексининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан:

1) Фойда солиғини ҳисоблашда чегириб ташланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари таркибига меҳнат натижалари билан боғлиқ бўлмаган бир-йўла бериладиган мукофотлар, таътилга қўшимча ҳақлар, озиқ-овқат, йўл чипталари қийматини тўлаш ёки озиқ-овқат, йўл чипталари қийматини қоплаш, шунингдек, ходимларга таътил учун меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланган ҳақ ва улар бўйича пуллик компенсацияларни киритишни назарда тутади. Аввал ушбу харажатлар Солиқ кодексининг 147-моддасида назарда тутилган бўлиб, фойда солиғини ҳисоблашда чегирилмас эди;

фойда солиғини ҳисоблашда чегириб ташланадиган бошқа харажатлар таркибига абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўлов киритилди;

солиқ солинадиган фойдани аниқлашда чегирилмайдиган харажатлар таркибига ишлатиб келинаётган, тўлиқ эскирган асбоб-ускуналар учун тўлов киритилди.

2) Солиқ кодексининг 164, 271 ва 300-моддаларига юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, мол-мулк солиғи ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича жорий тўловларни тўлашнинг ягона муддатларини, яъни ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирмай белгилашни назарда тутувчи ўзгартириш киритилди.

Жорий тўловларни тўлашнинг ягона муддатини белгилаш солиқ тўловчининг мазкур солиқларни тўлаш билан боғлиқ харажатларини камайтиради.

3) Солиқ кодексининг 266-моддасига киритилган қўшимчалар лойиҳа-смета ҳужжатларида объект қурилишининг норматив муддати мавжуд бўлмаганда ёки белгиланмаган тақдирда, тугалланмаган қурилиш объектларига тааллуқлилик мезони бўлиб, қурилиш бошлангандан кейин 24 ойлик муддат ҳисобланишини назарда тутади.

Ушбу қўшимча қурилишнинг норматив муддати мавжуд бўлмаган тақдирда, Солиқ кодекси меъёрларини тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш имконини беради;

4) Солиқ кодексининг 277 ва 294-моддаларига киритилган ўзгартиришлар солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган ер солиғи ва мол-мулк солиғини тўлаш муддатларини ўзгартиришни, яъни ҳисобот йилининг 15 октябри қилиб белгилашни назарда тутади.

Ушбу ўзгартиришлар жисмоний шахслар томонидан солиқларни тўлаш тартиби ва ушбу солиқлар маъмурчилигини соддалаштиради, шунингдек, солиқ органлари томонидан уларни йиғиш бўйича харажатларнинг камайишига олиб келади;

5) Солиқ кодексининг 310-моддасига киритилган ўзгартириш ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг суғурта бадалларини тўлаш бўйича улар бир хил солиқ солинадиган базага эга эканлигини инобатга олиб, ягона муддатни, яъни ҳар ойда, кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай амалга оширишни назарда тутади.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрдаги 4399-сонли Фармони ҳамда 1675-сонли Қарорига асосан, алоҳида соҳалар учун 2012 йилнинг 1 январига қадар тақдим этилган солиқ имтиёзларининг муддатлари 2014 ва 2018 йил 1 январига қадар узайтирилди. Хусусан:

Президентнинг 2007 йил 19 сентябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги 3923-сонли Фармонига асосан, аҳолига пуллик тиббий хизматлар кўрсатувчи (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) тиббиёт муассасалари барча турдаги солиқлар ва Республика йўл жамғармаси ҳамда таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига ўтказиладиган мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этиш бўйича солиқ имтиёзи 2018 йил 1 январгача узайтирилди.

"Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президентимизнинг 2008 йил 1 апрелдаги 3983-сонли Фармонига асосан, уй шароитида халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш бўйича якка тартибда меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар томонидан қатъий белгиланган солиқни тўлаш юзасидан солиқ имтиёзи 2014 йил 1 январгача узайтирилди.

Президентнинг 2006 йил 17 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 325-сонли Қарорига асосан юридик шахсларнинг фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этиш имтиёзи 2014 йил 1 январгача узайтирилди.

2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 1047-сонли Президент Қарорига асосан, асосий фаолият тури бўйича гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови ставкасини 50 фоизга камайтириш имтиёзи 2014 йил 1 январгача узайтирилди.

Президентнинг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 1050-сонли Қарорига асосан, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни фойда солиғи ва мулк солиғи, ягона солиқ тўлови, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этиш имтиёзи 2014 йил 1 январгача узайтирилди.

Имтиёзлар тўғрисида сўз юритганда, Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрдаги 1672-сонли Қарори билан оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларни янада ривожлантириш, уларга қулай шарт-шароитлар ва омилларни яратиш мақсадида тақдим этилган қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференцияларига алоҳида тўхталиш лозим.

Ф.МАМАЛАТИПОВ,
Бош прокуратура бўлим катта прокурори

Қарор билан 2012 йил 1 январдан бошлаб:

Оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ва нашриётлар ижтимоий сиёсий ҳамда болалар адабиётини, имкониятлари чекланган шахслар учун адабиётлар сотишдан олинган фойдадан фойда солиғини ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан;

Таҳририятлар, нашриёт ва босмахоналар оммавий ахборот воситаларининг маҳсулотлари, китоб маҳсулотларини сотишдан ва уларнинг нусхаларини кўпайтириш бўйича хизматлардан олинадиган даромадлар қисмида Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига ҳамда таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан беш йил муддатга озод этилди.

Шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва китоб маҳсулотларини етказиб бериш хизматлари қўшилган қиймат солиғига тортилмаслиги;

Микрофирмалар ва кичик корхоналарга мансуб бўлган оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриётлар, полиграфия ташкилотлари, телерадиоэшиттириш компаниялари учун ягона солиқ тўлови ставкалари 6 фоиз ўрнига 5 фоизда ундирилиши;

Газета, журналлар ва китоб маҳсулотларини чакана сотишга ихтисослашган якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси ўрта ҳисобда 2 бараварга пасайтирилиши белгиланди.

Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қонунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки **«007»** қисқа рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

№	Прокуратура органлари	Ишонч телефонлари	
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371	232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти	Код: 8371	233-84-20
3.	Андижон вилоят прокуратураси	Код: 8374	224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365	223-74-79
5.	Жиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372	226-09-62
6.	Қашқадарё вилоят прокуратураси	Код: 8375	221-07-82
7.	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361	222-26-39
8.	Навоий вилоят прокуратураси	Код: 8436	225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369	226-23-02
10.	Самарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366	235-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367	223-38-22
12.	Сурхондарё вилоят прокуратураси	Код: 8376	223-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371	273-74-81
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371	277-76-18
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373	271-12-26
16.	Хоразм вилоят прокуратураси	Код: 8362	227-45-71

Бундан ташқари, фуқароларнинг илтимос ва мурожаатларини кундалик навбатчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Дўст учун ёлланган қотиллар

Дўст бошга кулфат тушганда синалади, деган иборани деярли барчамиз яхши биламиз. Аммо бойлик кўзини кўр қилган Акмал Қорабоев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) синалган дўсти бошига кулфат ёғдирадиганлардан чиқиб қолди. Кулфат бўлганида ҳам охири ўлим билан якун топадиган, ғаразли режага асосланган "кулфат" эди...

Олимхўжа НАБИЕВ,
Бош прокуратуранинг
ОЎК тинглочвиси

2008 йили "Infokom Communication Servis" хусусий корхонасини очган Акмалга жуда катта миқдордаги пул зарур бўлиб қолди-ю, қидиришга тушди. Бахтига бир неча йиллик қадрдон дўсти Шуҳратни учратди ва у жонига оро кирди. Айни ўша дамларда ўзига қарашли бўлган тунги клубни 100 минг АҚШ долларига пуллаган Шуҳрат Акмал сўраган пулни дарҳол топиб берди. Йил охиригача қарзини, албатта, узишга ваъда берган Акмал кейинчалик ҳам дўстидан турли баҳоналар билан жами 95 минг АҚШ доллари миқдоридаги пулларни олишга улгурган эди. Аммо "оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним" қабилида иш тутиб, қарзни вақтида қайтара олмаганлиги, тўғрироғи, қайтариб бермаслик мақсадида дўстидан қутулишга аҳд қилади. Сўнгги вақтларда Шуҳратнинг кўнгироқ қилиб, пулни тезроқ қайтариб беришни талаб қилаётганлиги эса унинг бу аҳдини янада қатъийлаштирар эди.

2011 йил февраль ойининг бошларида у ўйлаган режасини амалга оширишга киришди ва таниши — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ходими Валерий Садов билан учрашади. Ундан Шуҳрат Ҳайдаровни ўлдириш учун ёрдам беришини сўрайди ва албатта бундай қалтис ишни арзимаган пул эвазига ҳеч ким қилмаслигини ҳисобга олган ҳолда, "хизмат" эвазига 15 минг АҚШ доллари миқдорида пул ҳамда ҳозирда корхонасида мавжуд бўлган Россия Федерациясининг "Бинон" босмахонасига тегишли, умумий қиймати 141 минг 207 АҚШ доллари бўлган маҳсулотларни сотишдан тушган фойданинг тенг ярмини беришни, шунингдек, корхона даромадларини ҳам ўртада бўлишишни ваъда қилади.

Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи орган вакили бўлишига қарамасдан мазкур қабиҳликка розилигини билдирган ҳамда ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилаётган Валерий ўз навбатида танишлари — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги тезкор ходими Сергей Ким билан Ички ишлар вазирлиги собиқ тезкор ходими Салоҳиддин Йўлчиевларни жиноий гуруҳга шерик қилади. Охир-оқибат ҳар бирига 500 АҚШ доллари миқдорида пул беришни айтиб, улар билан келишади.

Булардан ташқари, Акмал уюшган гуруҳ таркибига ўзининг танишлари бўлган, совуқ қуролдан яхши фойдалана оладиган, муқаддам Ички ишлар идораларида ишлаган Сайдуллин ҳамда аввалдан Шуҳратдан ўч олиш мақсадида юрган Аҳрор ҳамда Руслан деган кишиларни ҳам қўшиб олади. Жиноий режа ишлаб чиқилиб, ҳар бир гуруҳ аъзосига тегишли вазифалар бўлиб берилади.

8 февраль куни бехос жиринглаган қўнғироқ овозидан сергак тортган Шуҳрат қўл телефонини кўтарар экан, таниш овоз, уйининг олдига чиқишни, у берган қарз масаласида суҳбатлашиб олишлари кераклигини айтади.

Ҳеч нарсадан шубҳаланмаган Шуҳратни эса уйи олдида номери қалбакилаштирилган "Нексия " русумли автомашина кутиб турар эди...

Нотаниш кишиларга қаршилик кўрсатишлари бекор кетиб, бир-икки тепкилар билан "сийланган" Шуҳрат, ўтган-кетганлардан ёрдам сўраб, бақира бошлайди. Яқин жойдан ўтиб кетаётган участка нозири тўполонни кўриб яқинлашади ва нима бўлаётгани билан қизиқади. Аммо, "Биз ўз вазифамизни бажараяпмиз, яхшиси ишимизга аралашма", деган қатъий жавобни олади. Шундай бўлса-да, унинг жойидан қўзғолмай турганини кўрган Валерий билан Сергей хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, кетишини талаб қиладилар.

Жиноий режага кўра, келишилган манзилга Шуҳратни олиб келган тўда аъзолари энди жиноий гуруҳ етакчиси Акмал ҳамда гуруҳнинг бошқа аъзоларини кута бошлашади. Кўп ўтмай Акмал билан унинг қолган шериклари Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳри, Аранча қишлоғидаги "Весёлая" кўчасида жойлашган дала ҳовлисига етиб келишади ва Шуҳратни машинадан тушириб, алоҳида хонага қамаб қўйишади.

Шу ерда ўзининг "вазифаси" тугаганлигини маълум қилган Валерий жиноий шериклари Салоҳиддин ҳамда Сергейлар билан Тошкент шаҳрига йўл оладилар. Сергей йўл-йўлакай Чирчиқ дарёсига қалбакилаштирган автомашина номерини улоқтириб ташлайди.

Алоҳида хонада Сайдуллин билан ёлғиз қолган Шуҳрат қандай бўлмасин Акмал билан келишиб олишни ўйлар, пешонасига тиралиб турган "Walther" русумли пистолет ҳадемай умрига сўнгги нуқтани қўйишини хаёлига ҳам келтирмасди.

Афсуски унинг ўйлаётганлари рўёбга чиқмади, неча йиллик қадрдони унга раҳм қилмади. Ўзининг жиноий шериклари билан Шуҳратни урибтепган Акмал дўсти билан келишишни хоҳламади. Шундай бўлса-да, ўзига нажот кўзларини қадаб турган ҳимояси "қурбони"ни ўлдиришга ўзида куч топа олмай, ҳали Тошкентга етиб улгурмаган Валерий ва шерикларини орқага қайтишга мажбур қилди.

Ҳамма йиғилгач, Акмал шум ниятини амалга ошириш вақти келганлигини ҳис қилди ва унинг ишораси билан Сайдуллин Шуҳратнинг бошини мўлжаллаб, 3 марта ўқ ўзди.

Аллақачон мурдага айланган танага тўртинчи ўқни ўзи жойлаган Акмалнинг елкасидан тоғ қулагандай бўлди. Аммо... Энди жиноий гуруҳ олдида яна бир масала кўндаланг бўлди. Жасадни йўқ қилиш керак. Буни қарангки, ушбу масала ҳам олдиндан ҳал этилган экан. Аниқроғи, ҳовли ўртасидаги қудуқ мурдани яширишга энг қулай жой, деб топилган эди. Хуллас, оёқ-қўллари боғланган жасад билан унинг қони теккан барча нарсаларни гиламга ўраб, қудуққа ташлашди-да, тош ва ғиштлар билан тўлдириб, юзасини қум ва цемент қоришмаси билан маҳкамлашди.

Тўсатдан йўқолиб қолган Шуҳратни яқинлари қидиришни бошлашлари табиий эди. Лекин жиноий гуруҳ аъзоси Руслан буни ҳам ҳисобга олиб қўйган эди. У телефонига марҳумнинг сим картасини жойлаштириб, Шуҳратнинг яқин дўстларидан бири бўлган Шокир Пўлатовга "Муҳим иш билан Қозоғистонга кетадиган бўлиб қолдим. Яқин орада қайтаман. Яқинларимга айтиб қўй, хавотир олишмасин", деган мазмунда SMS жўнатади. Сўнгра телефонни синдириб, майда-майда бўлакларга бўлиб ташлайди.

Маълум бўлишича, Акмал Қорабоевнинг қабиҳ ишлари фақатгина шулардан иборат эмас экан. Акмалнинг "Infokom Communication Servis" хусусий корхонаси раҳбари бўлатуриб, мунтазам равишда турли корхоналарга пул ўтказиш йўли билан фақат қоғоздагина маҳсулот сотиб олгани ҳамда жуда кўп миқдордаги чет эл валютасини нақдлаштириб, ноқонуний равишда ўзлаштиргани ҳамда савдо қоидаларини бузиб келгани ҳам аниқланди.

Қиғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам ошкор бўлади, албатта.

Яқинлари томонидан Шуҳратнинг бедарак йўқолганлиги ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга берилган ариза асосида зудлик билан тезкор қидирув ишлари бошлаб юборилди.

Шуҳратнинг алоқа телефонидаги кириш ва чиқиш рақамлари таҳлил қилиниб, охирги қўнғироқлар Акмал Қорабоевга тегишли уяли алоқа телефони рақамидан бўлганлиги учун у жиноий ишда гумонланиб, мазкур тахмин асосида ҳаракат олиб борилди. Шунингдек, Акмал Қорабоевга тегишли Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Аранча қишлоғи "Весёлая" кўчасида жойлашган дала ҳовли кўздан кечирилганда, тезкор-тергов гуруҳи ходимларининг эътиборини ҳовлидаги қудуқ учун мўлжалланган ўра ўзига тортган.

Қудуқ усти 20-25 см. қалинликда бетонланган бўлиб, мазкур бетон ораси арматура бўлаклари билан мустаҳкамланган экан. Бетон бузилгач, унинг остки қисмида тупроқ билан аралашган ғишт ва тош бўлаклари ҳамда турли маиший чиқиндилар кўзга ташланди. Қудуқ тозалангандан сўнг, тахминан 1 метрдан ортиқроқ чуқурликда тахта бўлаклари, ундан кейин эса қизил рангли, ўралган ҳолдаги гилам топилди. Гилам орасидан эса, танасининг бош, қўл, қорин қисми ва бошқа соҳаларида кўплаб тан жароҳатлари бўлган эркак кишининг жасади чиқди.

Шунингдек, қудуқдан топилган эркаклар спорт кийими ва пойафзали ҳам ашёвий далил сифатида олинди. Кейинчалик жасаднинг Шуҳрат эканлиги, воқеа жойидан топилган кийимлар ҳам унга тегишли эканлиги аниқланди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан олиб борилган тезкор-тергов ҳаракатлари ҳамда саъй-ҳаракатлар натижасида жиноий гуруҳнинг қилмиши фош этилиб, одил суд олдида жавоб беришига тўғри келди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бир қатор моддалари билан айбдор, деб топилган Акмал Қорабоевга 23 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Жиноий гуруҳнинг қолган аъзолари ҳам қилмишларига яраша жазо олдилар.

Халқимизда азал-азалдан дўстлик, биродарлик тушунчалари ҳамиша улуғланиб келинади. Ана шундай муқаддас тушунчаларни оёқ ости қилган, яхшиликка ёмонлик билан жавоб қайтарган Акмалга энди нафақат темир панжара ортида, балки виждони олдида ҳам жавоб беришига тўғри келади.

Мақоламизга шу ерда якун ясасак ҳам бўларди. Аммо жиноий гуруҳ орасида ҳуқуқ-тартибот органи ходимларининг ҳам бўлиши холис фикр юритишга ундади. Барчага маълум, эл осойишталиги йўлида кунни кун, тунни тун демай меҳнат қилаётган бу касб эгаларига фуқароларимиз ўзгача ишонч ва ҳурмат билан қарашади. Ҳавас қилиб, улар каби ватанпарвар бўлишни истайдиган ёшларимиз ҳам кўпчиликни ташкил этади. Шу сабабли ҳам бундай шарафли касб эгаларининг обрўси доимо баланд. Аммо, гуруч орасида қурмак бўлгани каби, қабиҳ ишларга шерикчилик қилаётган юқоридаги кимсалар эса халқ нафратига лойиқдирлар. Уларга энг олий жазо халқнинг нафрати ҳисобланади.

Ичкилик таъсирида

Халқимизда "Саёқ юрсанг, таёқ ейсан", деган ибратли гап бор. Бу нақл замирида катта маъно мужассамлигига кундалик ҳаётимизда ҳам кўп бора гувоҳ бўлаяпмиз.

Умид КУЛИЕВ,
Зомин туман прокурори
ёрдамчиси лавозимида
иш ўрганувчи

Жумладан, биз айтмоқчи бўлган воқеамиз қаҳрамони Камол Зоҳидов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) спиртли ичимлик ичиб, ўзи каби тенгдошлари билан қўшни қишлоқдаги тўй маросимига йўл олади. Тўй айни авжига чиққанда ширакайф Камол ичкилик таъсирида ҳеч қандай сабабсиз, дўстлари олдида ўзини намойиш этиш мақсадида ёнида ўтирган меҳмонлардан бири Анвар Тиллаевни ҳақоратлаб, дўппослай бошлайди. Бу ҳолатни кузатиб турган Камолнинг дўстлари жанжалнинг олдини олиш, кайфи тароқ шеригини воқеа жойидан олиб кетиш ўрнига уни қўллаб-қувватлашади. Ҳам "шайтон суви"нинг кучидан, ҳам дўстларининг рағбатидан руҳланган Камол йигитни янада қаттиқроқ дўппослайди. Тўй эгалари уларни бир амаллаб ажратиб қўйишади.

Бироқ Камолнинг ичидаги шайтон уни ўртоқларидан-да баттарроқ "руҳлантириб", боллаган ишини охирига етказиб қўйишга ундайди. Натижада у жимгина кетмай, жанжални давом эттиради ва қўлига пичоқ олиб, Анварнинг кўкрагига санчади... Тўйга меҳмон бўлиб келган Анвар касалхонага етмасдан оламдан ўтади...

Жиноят ишлари бўйича Зомин туман суди айбдор Камол Зоҳидовнинг ишини кўриб чиқиб, унга 18 йилга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Икки ёш йигитнинг умри хазон бўлди. Айбдор умрининг 18 йиллини, айни ҳаётининг гуллаган даврини панжара ортида ўтказса, Анвар бир дунё орзулари билан ерга кўмилди.

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

Танлов савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 5 мартдаги 36к-ПО-сонли буйруғига асосан, Тошкент шаҳар ҳокимияти Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги, давлат мулки бўлган бундан буён "Объект" деб аталувчи Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қибрай (Мусо Жалил) кўчаси, 12-уй манзилида жойлашган икки қаватли ер тўлали бино танлов савдосига қўйилмоқда. **Бошланғич нархи — 1 021 400 000 сўм.**

"Объект"нинг танлов савдолари орқали сотишнинг асосий шартлари этиб қуйидагилар белгиланган:

— 1 021 400 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;

— 155 000 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш.

Танлов савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан ўрнатилган тартибда тўлдирилган буюртманоманларни савдо ташкилотчиси "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалига тақдим қилишлари ва объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат келишувга асосан "KMSX" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг ОАИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади: х/р: 20208000204920609019, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари закалат тўловни эркин муомаладаги валюта (АҚШ доллари) ёки миллий валюта (сўм)да амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширади.

Танлов ўтказиш қоидалари, танлов шартлари ва танлов таклифи шаклини ўз ичига олган танлов ҳужжатлари "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалига тўлдирилган ва имзоланган мурожаатнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилгандан сўнг, олиниши мумкин.

Танлов ҳужжатларининг нархи Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси томонидан белгиланади. Ушбу тўлов қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим: х/р 401010 860262737950100021001, СТИР: 200 950 435, ОКОНХ: 97400

Олувчи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги амалиёт бош бошқармаси. Олувчининг ҳисоб-рақами: 23402 000 300100001010.

Олувчи банки: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар Бошқармаси Ҳисоб-касса маркази Олувчи банки коди: 00014; Олувчи СТИРи: 201 122 919. Олувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси.

Танлов таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати 2012 йил 11 апрель Тошкент вақти билан соат 18:00 да тўхтатилади (таклифлар тушмаган тақдирда такрорий танлов савдолари 2012 йилнинг 30 апрель, 16 май ва 4 июнь кунлари соат 11:00да бўлиб ўтади. Такрорий савдоларга танлов таклифларини қабул қилиш бир кун олдин соат 18:00да тўхтатилади).

Танлов таклифларини тақдим этилган конвертларни очиш ва танлов савдосини ўтказиш 2012 йил 12 апрель Тошкент вақти билан соат 11:00да Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси мажлислар залида (3-қават) амалга оширилади. Таклифларни очиш вақтида танлов ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Танлов савдоларини ўтказилиши ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишингизни сўрайриз:100060,Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16А-уй. Тел 233-23-49. Веб сайт www.1kms.uz. Электрон почта манзил: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

"Respublika Mulk Markazi" YoAJ "Poytaht filiali"да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 28 февралдаги 33к-ПО-сонли буйруғига мувофиқ, "Tayyorlov savdo" масъулияти чекланган жамиятининг устав фондидаги 28,91 фоиз давлат улушини очиқ аукцион савдоларига қўйилмоқда:

Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, М.Садиев кўчаси, 88-уй манзилида жойлашган, фаолият тури озиқ-овқат маҳсулотлари улгуржи савдоси "Tayyorlov savdo" масъулияти чекланган жамиятининг устав фондидаги 28,91 фоиз сотилаётган давлат улушининг бошланғич баҳоси — 1 564 600 100 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 10 апрель куни соат 11:00да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 6 апрель куни соат 18:00.

Юқоридаги мулк 2012 йил 10 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 17, 24 апрель соат 11:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 17 апрелдаги савдолар учун 13 апрель куни соат 18:00; 24 апрелдаги савдолар учун 20 апрель куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" YoAJ "Poytaht filiali"нинг ОАИКБ "Ипак йўли" Сағбон ф-лидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000500571452141, МФО: 01036, ИНН 200933850 ОКОНХ 83300 **Манзил:** Тошкент ш., Миробод т., Амир Темур шоҳ кўчаси, 16А-уй. Телефон: 233-20-96. **www.rmm.uz.**

«Kim oshdi savdo servis» МЧЖ нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2012 йил 12 апрель куни соат 11:00да Урганч шаҳар Шерозий кўчаси 12-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Хоразм вилоят Хўжалик судининг 2011 йил 6 сентябрь кунги 22-1104/5988-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот, деб эътироф этилган Янгибозор тумани "Маданият-Янгибозор" МТПнинг суд бошқарувчиси томонидан 2012 йил 25 февралдаги 000358/4-47-сонли хатига асосан Янгибозор туман "Чўболончи" қишлоғида жойлашган "Маданият-Янгибозор" МТПнинг қуйидаги мол-мулклари қўйилмоқда:

№	Сотиладиган мулклар номлари	Ишлаб чиқарилган йили	Бошланғич баҳоси	№	Сотиладиган мулклар номлари	Ишлаб чиқарилган йили	Бошланғич баҳоси
1	Верстаг 11 та	1985	852 280	29	Трансформатор сварочный	1987	62 005
2	Ўт ўчириш қалқони	2002	90 000	30	Стенд КИ-968	1985	374 226
3	Этажерка темир 5 та	1985	525 000	31	Сеялка СТХ-4	2005	1099000
4	Темир шкаф	1986	74 194	32	Сеялка СТХ-4	2005	1059750
5	Темир шкаф	1986	84 794	33	Сеялка СТХ-4	2005	1373750
6	Сув арава	1994	287 908	34	Сеялка СТХ-4	2005	1373750
7	Козловой кран	1987	742 874	35	Сеялка СТХ-4	2005	1099000
8	Козловой кран	1987	427 153	36	Корчевалка КВ-4	1992	345 000
9	Автомашина ГАЗ52-01, 22АІ482	1983	3914480	37	Корчевалка КВ-4	1992	330 000
10	Автомашина ГАЗ52-04, 70-64ХЗЛ	1976	869 884	38	Канава копатель КЗУ-0,3	1989	499 225
11	Автомашина ГАЗ 52 22АG489	1978	1602037	39	Углубитель (чизел)	1991	580 800
12	Автомашина ГАЗ 52-019 22АG490	1981	869 884	40	Сварочный агрегат ВД-306	1990	778 553
13	Трактор Т-4	2002	7973941	41	Компрессор	1987	732 182
14	Трактор Т-28х4 44-65 ХЖ	1993	3010082	42	Чархлаш станоги	1985	65 522
15	Трактор Т-28х4 44-56 ХЖ	1993	3698101	43	Фрезер станоги 676	1990	1576676
16	Трактор МТЗ-80 44-58 ХЖ	1986	8659000	44	Токарлик станоги 1В62Г	1997	3368038
17	Прицеп 2 ПТС-4-793 42-85 ХЖ	1994	1898750	45	Сверлильный станок 2Н125	1997	564 051
18	Культиватор КРХ-4	2003	919 600	46	Электрошит	1984	46 488
19	Плуг ПЯ-3-35	1990	479 850	47	ОВХ баки 5 та	1998	150 000
20	Чизел культиватор ЧКУ-2,4	2000	435 600	48	Дрель ручная	1993	12 000
21	Темир мола 2 та	1999	210 000	49	Компьютер	2007	199 332
22	Шина (825х40) 4 та	1983	1279032	50	Газ плита	1989	44 070
23	Шина (400х610)	1983	383 710	51	Насос жойи ободонлаштириш		32 861
24	Насос СНП-500/10	1996	1217075	52	Темир-терсак		531 800
25	Насос СНП-75	1996	662 037	53	Инвентарлар		724 646
26	Насос (Андижон)	1990	152 848	54	Кўп йиллик ва мевали дарахтлар		1 305 939
27	Пилла тозалагич ЧК-1 4 дона	1990	200 000		**ХАММАСИ**		**59902529**
28	Гидронасосларни текшириш қурилмаси	1985	53 750				

Ушбу мол-мулклар 2012 йил 12 апрелдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 17, 19, 24 апрель кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Ушбу савдода қатнашиш истагида бўлган харидорлар закалат шартномасини тузиб, "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ ҳисоб рақамига 10 фоиз гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб рўйхатдан ўтишлари шарт. Ариза қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Ҳисоб рақами 20208000004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689.

Телефон: +99862-528-22-42, 226-88-87.

«Xorazm ko'chmas mulk savdo servis» МЧЖ нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2012 йил 27 март куни соат 11:00да Урганч шаҳар Шерозий кўчаси 12-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Хоразм вилоят Хўжалик судининг 2011 йил 6 сентябрь кунги 22-1104/5988-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот, деб эътироф этилган Янгибозор тумани "Маданият-Янгибозор" МТПнинг суд бошқарувчиси томонидан 2012 йил 25 февралдаги 000358/4-46-сонли хатига асосан Янгибозор туман "Чўболончи" қишлоғида жойлашган "Маданият-Янгибозор" МТПнинг қуйидаги мол-мулклари қўйилмоқда:

№	Объектлар номи	Қурилган йили	Қурилиш ости майдони кв.м	Бошланғич баҳоси
1	Қоровулхона ва бошқарув биноси	1972 йил	109,75	17 839 412
2	Ошхона	1984 йил	135,28	17 669 524
3	Ошхона бостирмаси	1984 йил	93	3 607 922
4	Токор цехи	1972 йил	274,82	16 833 768
5	Токор цехи бостирмаси	1972 йил	23,04	444 297
6	Нармировшик	1984 йил	35,15	2 401 805
7	Омборхона	1972 йил	788,32	73 302 130
8	Бостирма	1972 йил	145,53	2 911 305
9	Ёрдамчи бино	1972 йил	318,06	6 953 923
10	Ҳожатхона	1990 йил	3,75	448 647
11	Дўкон		25,5	5 802 545
12	Ҳовуз		16	823 323
13	Девор тўсиқ	1984 йил		16 918 925
14	Асфальт майдони		6720	49 745 471
15	Дарвозалар	1984 йил	32,5	1 659 252
16	Ердан фойдаланиш ҳуқуқи		8661,05	27 085 701
	Жами		**17381,75**	**244 447 950**

Ушбу мол-мулклар 2012 йил 27 мартдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 29 март, 3-5 апрель кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Ушбу савдода қатнашиш истагида бўлган харидорлар закалат шартномасини тузиб, "Xorazm ko'chmas mulk savdo servis" МЧЖ ҳисоб рақамига 10 фоиз гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб, рўйхатдан ўтишлари шарт. Ариза қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Ҳисоб рақами 20208000804935791001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302101924.

Телефон: +99862-511-88-88, 226-88-87. **Лицензия RR-0054**

Осиё чемпионлар лигаси:

Спорт

«Бунёдкор» ҳам, «Пахтакор» ҳам мағлуб бўлди

Бу йилги мавсум клубларимиз учун бироз омадсиз бошланди. Осиё чемпионлар лигасида иштирок этадиган икки грант клубимиз дастлабки учрашувларда мағлубият аламини тотиб кўришди. "Қалдирғочлар" ўз майдонида, "шерлар" эса меҳмонда рақибларига имкониятни бой бериб қўйишди.

Даставвал, "Жар"даги ўйинга тўхталсак. 6 март куни Осиё чемпионлар лигаси "Е" гуруҳи доирасидаги "Бунёдкор" ва "Аделаида Юнайтед" клублари ўртасидаги гуруҳ босқичининг дастлабки учрашувида мамлакатимиз чемпиони ўз мухлислари қаршисида 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйди. Учрашув кескин курашлар остида ўтди. "Бунёдкор" учрашув бошланиши билан ҳужумга ўтди. Аммо уюштирилган ҳужумлар ҳеч қандай наф бермади. Аксинча, меҳмонлар 12-дақиқада бурчак зарбасидан сўнг ҳисобни очишди. Биринчи бўлимда мезбонлар ҳисобни тенглаштиришга ҳарчанд уринишмасин, бунинг уддасидан чиқа олишмади.

Иккинчи бўлимда майдон эгалари ҳисобни тенглаштириш учун катта куч билан олдинга ташландилар. Рақибнинг олдинга ўтганидан унумли фойдаланган "Аделаида Юнайтед" футболчилари яна бир марта Нестеров дарвозасини ишғол этишди. Мухлислари кўз ўнгида 2 тўп фарқи билан ортда бораётган "қалдирғочлар" ҳужумга зўр беришди ва ўйинга қўшиб берилган дақиқаларда Камолиддин Мурзоев гол киритишга муваффақ бўлди. Бироқ, бу гол мезбонларни мағлубиятдан сақлаб қола олмади.

"Бунёдкор" - "Аделаида Юнайтед" - 1:2

Голлар: Камолиддин Мурзоев 90+3 - Богард 12, Антони Голек 53

Ушбу ўйиндан беш ярим соат вақт ўтиб, "Пахтакор" Жиддада "Ал Иттиҳод" клубига қарши майдонга тушди. Бу учрашув бош мураббий Деян Журжевичнинг "пахтакорчилар" бошқарувидаги илк расмий ўйини эди. У ёшларга имконият бериб, таваккал қилишдан кўра, бироз тажрибалироқ футболчилар хизматидан фойдаланишни маъқул топди. Бироқ, бу амалда ўз самарасини берди, деб айта олмаймиз.

Ўйиннинг 3-дақиқасида "шерлар" ўз дарвозасидан тўп олиб чиқишди. Ўша вазиятда ҳимоячилар ва дарвозабоннинг хатоси қимматга тушди. Илк дақиқалардаёқ ўз дарвозасидан тўп ўтказиб юборган "шерлар" мувозанатни тиклашга ҳаракат қилишди. Аммо, ўйиннинг 30-дақиқасида яна гол ўтказиб юборишди. Иккинчи гол киритилган вазиятга эътибор қаратадиган бўлсак, мезбонларнинг икки футболчиси меҳмонларнинг тўрт нафар ҳимоячисини осонлик билан доғда қолдириб, катта қийинчиликсиз гол уриб кетишди. Рақиб ҳужумчиларига етарли даражада каршилик кўрсата олмаётган ҳимоячимиз Александр Клецков асабларини жиловлай олмади. Аввалига майдон марказида очиқчасига рақибига зарба берган ҳимоячимиз сал ўтиб, ўзидан қочиб кетган рақибни йиқитди ва ҳакамдан иккинчи сариқ карточкани қабул қилиб олиб, майдондан "ҳайдалди". Ўзи шундоқ ҳам мағлубиятга учраётган "Пахтакор" жамоаси янада мушкул вазиятга тушиб қолди. Учрашувнинг қолган дақиқаларида ҳеч бўлмаса ҳисобни қисқартириш учун ҳаракат қилган вакилларимиз иккинчи бўлимда яна икки бора ўз дарвозаларидан тўп олиб чиқиб, йирик ҳисобда мағлуб бўлишди.

"Ал Иттиҳод" - "Пахтакор" 4:0 (2:0)

Голлар: Муҳаммад Фавзи 3, - 1:0. Муҳаммад Абусабан 30, - 2:0. Муҳаммад Абусабан 50, - 3:0. Муҳаммад Умар 57, - 4:0.

«Зенит»нинг юриши тўхтади

Осиё қитъасида чемпионлар лигасининг гуруҳ баҳслари энди старт олган бир пайтда Европада 1/8 финал учрашувлари ўтказилмоқда. 6 март оқшомида Россиянинг "Зенит" клуби Португалияда "Бенфика" меҳмони бўлди ва 2:0 ҳисобида мағлубиятга учраб, чемпионлар лигасидаги юришини тўхтатди.

Эслатиб ўтамиз, бу жамоаларнинг дастлабки учрашувида "Зенит" 3:2 ҳисобида ғалаба қозонган эди.

"Бенфика" Португалия - "Зенит" Россия - 2:0

Голлар: 1:0 - М.Перейра (45), 2:0 - Оливейра (90).

«Арсенал»дан ғалаба, аммо...

Чемпионлар лигасининг 1/8 финал жавоб учрашувлари доирасидаги "Арсенал" ҳамда "Милан" клублари ўртасида кечган баҳсда "тўпчилар" йирик 3:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Лоран Косельни, Томаш Росицки ва Робин ван Персилар ўз ҳисобларига биттадан гол ёздириб қўйишди. Аммо бу ҳисоб ҳам "Арсенал"га етарли бўлмади.

Эслатиб ўтамиз, бу жамоаларнинг биринчи учрашуви 4:0 ҳисобида "Милан"нинг қўли баланд келганди. Гарчи, Арсен Венгер шогирдлари ғалаба қозонишган бўлса-да, икки ўйин натижасига кўра, мусобақани тарк этадиган бўлишди.

"Арсенал" Англия - "Милан" Италия - 3:0

Голлар: 1:0 - Косьельни (7), 2:0 - Росицки (26), 3:0 - Робин ван Перси (43, пенальти).

Спорт хабарларини **Мақсудали ҚАМБАРОВ** тайёрлади

5 март куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида республика Марказий банки томонидан "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда банк тизимининг роли" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Давлат дастури ижросига бағишланди

Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Huquq»

Маълумки, Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан мамлакатимизда 2012 йил "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилинган. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришда кўмаклашиш, имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, шунингдек, шинам уй-жой билан таъминлаш борасида кўрсатилаётган ғамхўрликлар тижорат банклари зиммасига улкан масъулият юкламоқда.

Анжуманда тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини, айниқса, оилавий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, таълим муассасаларини битирувчи ёшларнинг бизнес режаларини молиялаштириш масалаларига катта эътибор қаратилиб келинаётганлиги алоҳида таъкидланди. Хусусан, ўтган йили тижорат банклари томонидан соҳа субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2010 йилга нисбатан 1,5 баробар ўсиб, 4 трлн. 41 млрд. сўмни ташкил этган. Шундан жами кредитларнинг 25,6 млрд. сўми касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес режаларини молиялаштиришга имтиёзли микрокредитлар сифатида йўналтирилган. Бундан ташқари, қишлоқ жойларда оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш мақсадида қўрсатилган микромолиявий хизматлар 2010 йилга нисбатан 1,8 баробар ўсиб, 54,1 млрд. сўмдан ошганлиги ҳам бу борадаги ишларнинг таъсирчанлигини янада оширмоқда.

Жорий йилда ҳам "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурига мувофиқ, кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга, авваламбор, уларнинг бизнес лойиҳаларини имтиёзли шартлар асосида кредитлашга катта эътибор қаратилади. Соҳа субъектларига барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 4,5 трлн. сўм миқдорида маблағлар йўналтириш юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда. Мазкур ресурсларнинг 843 млрд. сўмдан кўпроғини микрокредитлар ташкил этиб, бунда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес режаларини имтиёзли шартлар асосида молиялаштиришга 28,3 млрд. сўмдан ортиқроқ маблағлар йўналтирилади.

Шунингдек, ёш оилаларга уларнинг тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 68 млрд. сўмдан ортиқроқ имтиёзли микрокредитлар ажратилади.

Ёш оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, хусусан уй-жой билан таъминлаш ҳам банклар диққат марказида турибди. Ушбу мақсадлар учун тижорат банклари маблағлари ҳисобидан 2012-2013 йилларда 100 та 48 квартирали уй-жой қурилиши режалаштирилган. Бундай замонавий уйларни олиш учун эса ипотека кредитлари 15 йил муддатга Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан ошмаган фоизда тақдим этилади.

Ёш оилаларнинг турмуш фаровонлигини ошириш бўйича ҳам аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, ҳар бир тижорат банкида "Ёш оилаларга-истеъмол кредитлари" дастури ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, ёш оилаларга энг кам иш ҳақининг 200 барвари миқдорида 3 йил муддатга узоқ муддат фойдаланиладиган, ватанимизда ишлаб чиқариладиган истъемол товарлари учун кредитлар ажратилади.

Тадбир сўнггида оммавий ахборот воситалари вакилларини қизиқтирган саволлар юзасидан Марказий банк ва бошқа қатор тижорат банклари вакиллари атрофлича жавоблар бердилар.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси, Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази ва Самарқанд вилоят прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси

Сирожиддин ИРГАШЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV, Muxtor ZOIROV, Gulnoza RAHIMOVA, Yusupboy G'OIPOV, Svetlana ORTIQOVA, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Shavkat YODGOROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53
Faks: 233-10-53, 233-64-85

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
(!) – tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Buyurtma j-4065. 51 075 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: O'.DEHQONOV
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatchi: O'.DEHQONOV
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.